RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'zMTDP

Gazeta 1995 yil, 10 iyundan chiqa boshlagan

Milliy Tiklanish

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining haftalik gazetasi | 2002 yil, 16 iyul | 9–10 (260) son



Бу йилги «Оскар» мукофоти Ўзбекистонга ҳам даҳлдор

Бир мири ҳаён, уч мири зиён

2-бет

Тушсиз тунлар

Қалб қаердан бошланади?

3-бет.


Чўпон домланинг «олди-қочди» гурунглари

«Астробод» наволари

4-бет.

Ўлоқ олдидан

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат



Ўзбекистон электрон асрида

ЯНГИ ИҚТИСОД САРИ

2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони чиқди. Бу муҳим ҳужжат қанчалар қимматли ва ўз вақтида қабул қилинганлигини айтиб ado этиш қийин. У Ўзбекистон иқтисодиётини янги технология даражасига кўтариш билан бирга ҳозирги жамиятимиз жаҳон ахборот-коммуникация тизимларига кенг миқёсда кириб боришига, бозор муносабатларининг осон бўлмаган йўлларидан ўтаётган мамлакатимизнинг тез суръатлар билан ривожланиши, ислоҳотларда муваффақият қозонишига кучли туртки беради. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакат раҳбарининг ушбу Фармони келажак сари қўйилган катта қадам, янги иқтисодий сиёсатнинг реал дебочасидир.

Сир эмаски, янги аср бошланиши арафасида жаҳонда глобализация жараёнлари кучайди. Уз шаклу шамойилини муттасил ўзгартираётган, янгилаётган ҳолда шиддатли тусда кечаётган бу жараённинг дунё иқтисодиётига таъсири ахборот технологияларининг кенг тарқалиши, бутун дунё миқёсларида инновацияларнинг тўхтовсиз тарзда тадбиқ этилаётганлиги билан чамбарчас боғликдир. Глобализация тараққиётининг бугунги погонаси ҳаёт ва инсон фаолияти барча соҳаларини компютерлаштиришга асосланганлиги боис жаҳоннинг кўп экспертлари янги иқтисодиёт феномени туғилаётганлиги тўғрисида гапирмокдалар.

«Янги иқтисодиёт» тушунчаси остида аввало коммуникация, молия ва савдо соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар назарда тутилмокда. Шу билан бирга, у муассаса ва корхоналарни бошқаришнинг бир қатор усулларини қўллаш ҳамда замонавий давлат иқтимоий-иқтисодий ҳаётининг ранг-баранг томонларини ташкил этишни ҳам ўз ичига олади. Янги иқтисодиёт техник тараққиётнинг иқтисодий ўсишига кўрсатадиган таъсири билан ҳам боғлиқ, чунки унинг барча жараёнларида ахборот коммуникация технологиялари ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, янги иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч фақат технологияларнинг ўзи бўлиб қолмай, ҳақиқий куч инсон онгининг кудратидадир. Ғаройиби шундаки, бутун цивилизация тарихида аввал ҳеч қачон ёркин ғоялар бунчалар ҳаддан ортиқ даромад келтирмаган эди. Ҳа, янги технологиялар ва бизнес-моделлар асосида инсон дахоси туради. Шунинг учун ҳам, янги илғор ғояларни дунёга келтириши мумкин бўлган одамлар фавқулодда бебаҳо қиммат касб этмокда.

Утган ўн йил ичида янгиликларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш инсон фаолиятининг мустақил бир соҳасига айланди, ҳозир унда мутахассисларнинг айтишларича, бутун дунё маҳсулотининг 1/4 қисми яратилмокдаки, бошқа барча фаолият турлари ҳамда шаклларининг бозорга мослиги ва мутаносиблиги унга боғлиқ бўлиб қолмокда. Ҳар қандай янгиланишнинг пайдо бўлиши анъанавий ўйлаш, фикрлаш, иш тутишларни қайта кўриб чиқишга олиб келади. Жуда катта сонли кишиларнинг онги, қарашларини ўзгартиради, ўзига бошқача бир нуқтаи назар билан қарашга ўргатади. Инновацияга асосланган ишлаб чиқариш энг юқори фойда олиш хусусияти билан характерланади. Бу борада бир қатор йўналишлар куртак отмокда ва юзага чиқмокда. Биринчидан, янги индустриал мамлакатлар томонидан рақобат кучаяди, улар оммавий эҳтиёжни қондирадиган товарлар ва хизматларни кам сарф-харажат қилган ҳолда етиштирадиларки, бу маҳсулотнинг нархига бевосита таъсир кўрсатади. Иккинчидан, экологик чеклаш, тартиб-қоидаларга риоя этишга талаб кучаяди, атроф муҳитни сақлаш, қайта тиклашга сарф-харажатлар кўпаяди. Учинчидан, саноат ишлаб чиқариш товарларининг қийматида интеллектуал маҳсулотларнинг улуши ортади. Тахмин қилиш мумкинки, XXI асрнинг биринчи чорагида инновация ишлаб чиқаришнинг молиявий инжиниринг ва гуманитар-технологик индустрия билан синтезга кириши жаҳон хўжалигида ҳукмрон ижтимоий-иқтисодий укладга айланади ва у умумий глобал маҳсулотнинг ярмини ҳамда қушимча қийматнинг асосий кўпчилик қисмини ишлаб чиқаради.

Бундан шундай табиий хулоса келиб чиқадики, янги иқтисодиёт бу бизнинг кунларда алоҳида шахслар ва гуруҳлар, шу билан бирга, корхоналар консорциумлари ва ташкилотларнинг дунё миқёсида ягона инфокоммуникация тизимига бирлашаётганлигининг тўғридан-тўғри натижасидир. Ахборот устида ишлаш моддий ресурсларни айлантириш ёки бошқа ҳар қандай ишлаб чиқаришга қараганда жуда кўп маротаба таъсирлироқ ва фойда келтирадиганроқдир. Ҳозирги вақтда компанияларнинг баҳоси «кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб» билинадиган нарсалар – бинолар, иншоотлар, техникалар билангина белгиланмайди; уларнинг қиммати ва баҳоси кўпроқ «кўз билан кўриб бўлмайдиган» нарсалар: ғоялар ва ноухау, ходимларнинг малака-иқтидори, ахборотни узатиш ва таҳлил қилишдаги стратегик муваффақиятлари билан ўлчанади.

Умум томондан эътироф этилганки, ҳозирда телекоммуникациялар соҳаси ўз ривожида энг чўққига кўтарилган саноатлашган иқтисодий тизимнинг ҳар томонлама мутаносиб ўсаётган соҳасидир. Жаҳон телекоммуникация соҳаларининг ўсиш суръати дунё иқтисодидаги ўсишга қараганда 2 маротаба кўпдир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, телефон алоқасининг барча турлари бўйича абонентларнинг сони 2000 йилда 1,5 миллиардга чиққан бўлса, 2003 йилда бу рақам 3 миллиардга етади.

Ҳозирги давр телекоммуникациялар тараққиётининг энг муҳим фарқи алоқанинг сифатига ижтимоий эҳтиёжнинг беқиёс даражада ортганлигидир. Шу билан бирга, бу даврда ёндош ахборот технологияларининг ҳам шакланаётганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Алоқа ва ахборотлашувнинг жамланиб кучайиши шунчалар аён ҳодисага айландики, ҳатто Халқаро электр алоқа уюшмаси «инфокоммуникация» деган янги бир тушунчани муомалага киритди. Дунёнинг кўпгина етакчи олимлари ва мутахассисларининг таҳлилларига қараганда, XXI аср уч йўналишдаги илмий-техник инқилоб билан характерланади: Булар – ахборот, биотехнология ва квант соҳаларидир. Глобал ахборот инқилоби технологик жиҳатдан энг етилган соҳа ҳисобланади, у глобал ахборот инфраструктурасини ишга туширишга асос яратади, бу ўз навбатида мамлакатларнинг бирин-кетин глобал ахборот ҳамжамиятига ўтишларини таъминлайди. Ўтиш жараёнида «ахборот» тушунчасининг ўзи ҳам, унинг жамиятда ўйнайдиган роли ҳам ўзгаради. Мутахассисларнинг фикрича, глобал ахборот жамиятида ахборот мезон даражасига чиқади, ахборот эгалари эса етакчи ижтимоий гуруҳга айланади. Глобал ахборот ҳамжамиятининг вужудга келиши инфокоммуникациялар ривожининг янги масалаларини ўртага қўяди. Толали-оптик тизимлар, йўлдош алоқа тизимлари, интернет ва бошқа инфокоммуникация технологияларини ва хизматлари кенг тармоқ отади.

Ахборот технологияларига асосланган янги иқтисод жаҳон саноат ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг қиёфасини тамомила ўзгартириб юборади. Кейинги йилларда АҚШда иш унумдорлиги, маҳсулдорлигининг тинимсиз кўтарилиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Бу мамлакатда ишсизлик даражаси кейинги қирқ йил ичида энг паст кўрсаткичга тушди.

Ахборот технологияларининг ҳаётга кириши, тарқалиши бозор кучларигагина эмас, ҳукуматларга ҳам кўп даражада боғлиқ. Бу жиҳатдан тараққиёт йўлига кирган мамлакатлар ўртасида Ўзбекистон ўзига хос қиёфа ва ўринга эга. Ўзбекистонда инфокоммуникация жамияти шаклланиши ва ривожининг давлат дастури ҳаётга татбиқ этилмокда, дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ахборот-технология интеграцияси йўлга қўйилмокда.

Ахборот-коммуникациялар соҳасида юксак малакали кишиларни тайёрлаш, бу соҳаларга кенг миқёсдаги инвестицияларни жалб этиш, кишиларнинг тадбиркорлик ва новаторлик талантларини қадрлаш ва юзага чиқариш – стратегик мақсадларни рўёбга олиб чиқишда асосий омил бўлади. Ғарб давлатларида ахборот-коммуникация соҳаларига миллиардлаб доллар маблағлар ажратилади, мактаблар ва кутубхоналарни «умумжаҳон ахборот тўри»га тортиш учун ҳукуматлар томонидан катта саъй-ҳаракатлар олиб борилади.

Ҳиндистон ҳукумати «2000 йилнинг Кибер қонуни»ни эълон қилди. Компютер технологиялари ва дастурларига алоҳида эътибор қаратиб, юқори тоифа электрончиларни етиштириб, бу соҳада дунёнинг етакчи давлатлари қаторига кўтарилди.

Давлатнинг иқтисодий концепциясида янги иқтисодиёт туриши зарурлигига дунёнинг кўп мамлакатларида алоҳида эътибор қаратилмокда. Ва айниқса, телекоммуникациялар, электроника, аниқ машинасозлик, фармацевтика, озиқ-овқат ва енгил саноат – булар янги технологиялар асосида ривожланганида аҳолининг тобора тез ўсиб бораётган эҳтиёжларини юксак сифат даражасида қондириш имконини туғилади.

(Давоми 2-бетда)

Севимли мухлисларимиз!

Сиз суйган «Миллий тикланиш» газетасига навбатдаги ойлар учун обуна давом этмокда. «МТ»га барча почта алоқа бўлимларида ёзилишингиз мумкин. Нашр индекси: 158.

КОНТРАКТ ПУЛИНИ КАМАЙТИРИШ МУМКИН...МИ?

Газетамизнинг шу йил 8 июн сонида Муқаддас Исмоилованинг «Контракт пулини камайтириш мумкинми?» сарлавҳали мактуб-мақоласи эълон қилинган эди.

Биз Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломовга хат орқали мурожаат қилиб, мазкур мақолада тилга олинган муаммолар хусусида вазирлик томонидан муносабат билдирилишини сўрадик. Хатнинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Унда (яъни мактубда – Т.) олий таълим даргоҳларида таълимдан ташқари ишларга – турли тадбирларга ортиқча маблағлар ажратиш ҳоллари кузатилаётгани хусусида мулоҳазалар билдирилган. Муаллифнинг фикрича, бундай маблағлар контрактчилар тўловини қисман камайтиришнинг реал имкониятидир. Шунингдек, Наманган вилоятидаги иккита олий ўқув юрти ва битта лицейнинг «Келин-куёв» шоу кўрсатувига ҳомийлик қилажаги ҳақида ҳам сўз юритилган. ... Мухлисимизнинг «Контракт пулини камайтириш мумкинми?» деган саволига Сиз раҳбарлик қилаётган вазирликнинг муносабатини билиш истагидамиз».

Мазкур вазирликнинг ИИ ва МХ бош бошқармаси бошлиғи М. Саидов имзоси билан (2.07.2002 йил, 89-04-116 рақамли) юборилган қуйидаги жавоб хатини олдик.

«Миллий тикланиш» газетасининг шу йил 8 июн сонидаги «Контракт пулини камайтириш мумкинми?» сарлавҳали мактуб-мақоласи вазирлик томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Тўлов контракт асосида ўқитишнинг қиймати Молия вазирлиги ва тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир нафар талабага бир йилда қилинадиган харажатларнинг минимал миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Жумладан, профессор-ўқитувчиларга иш ҳақи, талабаларга стипендия, иш ҳақига ажратмалар, коммунал хўжалик ва эксплуатация харажатлари, ўқув харажатлари, кутубхона фондини янги дарсликлар билан бойитиш, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари харид қилиш, ўқув юртини моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар даромадлари ва харажатлар сметасига мувофиқ сарфланади. Мақолада келтирилган ҳомийлик бўйича тасарруфимиздаги таълим муассасаларининг муносабати ўрганиб чиқилди ва биргина Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти ушбу телекўрсатувга ҳомийлик қилиш истагини билдирган. «Келин-куёв» шоунинг май ойидаги сонида ушбу институтнинг ҳомийлик қилиш ҳақидаги хати ўқиб эшиттирилган.

Институтнинг 2002 йил 1 июлдаги 333-024 сонли хатига мувофиқ ушбу тадбирлар учун ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳисобидан эмас, балки тадбиркорлик асосида топилган маблағлар ҳисобидан ҳомийлик кўрсатилиши кўзда тутилган.

Аммо ҳозирга қадар Наманган вилоятида Республика телевидениесининг «Келин-куёв» шоу дастури тайёрланмаган ва тасарруфимиздаги таълим муассасалари томонидан мазкур тадбир учун ҳеч қандай маблағ ўтказилмаганини маълум қиламиз».

Таҳририятимизга ушбу мақола юзасидан муносабат билдириб юборилган мактублар келиб турибди. Телефон қўнғироқлари ҳам кўп бўлди. «Корхонами ёки якка шахсми нимага пул сарфласа, албатта, ҳисоб-китобини қилади, – дейди бир мухлисимиз. Олий ўқув юртларида контракт пули ҳар хил миқдорда белгиланган, демак, харажат сметаси ҳар хил. Газетангизда шулардан ҳеч бўлмаса икки-учтасининг контракт пули сметасини эълон қиласизми? Қимматми-арзонми пулимиз қандай сарфланаётгани ҳақида тушунчага эга бўлардик-да. Шундагина ўзимиз ҳар хил хулосалар чиқармасдан харажат ҳақида тўғри тасаввур ҳосил бўларди. Дейлик, бир оила учун кўп қийинчиликлар билан 345 минг сўм тўлар эканман, харажатини ўйлайман-да».

Бу гапда ҳам жон бордай, чунки бу каби фикрларни кўп эшитдик, қолаверса, баъзан ахборот тақчиллиги нотўғри тасаввурларни шакллантиришга олиб келади. Вазирлик томонидан юборилган мактубда «тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар даромадлари ва харажатлар сметасига мувофиқ сарфланади» дейилганидек, бу мувофиқликни пул тўловларчига изоҳлаб қўйиш фойдадан холи бўлмас, балки зарур деб ўйлаймиз. Таҳририят шу нуқтаи назардан бир неча олий ўқув юртларига хат орқали мурожаат қилишни кўзда тутади. Ва мавзуга доир келган мактублардан бирини эълон қилар эканмиз, сиз азиз муштарийлардан яна мактублар кутиб қоламиз.

Акс садо

ЎЙЛАБ КЎРСА БЎЛАДИ

«Миллий тикланиш» газетасининг шу йил 8-сонида «Фикрлашув» рукни остида эълон қилинган Муқаддас Исмоилованинг «Контракт пулини камайтириш мумкинми?» сарлавҳали, Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Етти ўйлаб...» ва Қодирқул Рўзматзоданинг «Жаҳолат ва гирдоб» деб номланган мақолаларини ўқигач, эркин фикрловчи, атрофимизда рўй бераётган айрим нохушликларга лоқайд томошабин бўлиб туролмайдиган инсонлар кўплигига яна бир бор ишондим.

М. Исмоилова ўз мақоласида тилга олган муаммо – контрактли ўқишлар атрофидаги фикрлар кейинги пайтларда анча кўпайиб қолди. Мен муаллифнинг мулоҳазаларини бироз ривожлантиришни ва таҳририят (албатта тегишли идораларнинг ҳам) эътиборини бу мураккаб ҳамда ўзига хос мавзунинг нафақат моддий, балки, маънавий жиҳатларига ҳам қаратишни фойдадан холи бўлмас деб ўйлайман.

Сирасини айтганда, контрактли ўқишга кирган, айтайлик, юзта талабадан 15-20 нафари билим олиш учун чинакамига ҳаракат қилади, қолганлари эса ўқишга «пул тўланган» қабилида муносабатда бўлиши кўп кузатилади. Негадир айримлари барча муаммоларни пул билан ечиш мумкинлигига жудаям ишонишса, яна баъзилари эса, ўз тиллари билан ифодаласак, «орқа»лари бор. Шу ўринда яқинда олий ўқув юртларидан бирида ишлайдиган домлаларимиздан икки нафарининг афсусланиб айтганлари ёдимга тушди: улар контракт бўйича пул тўлаб ўқийдиган икки нафар талабага дарсларга кириб-кирмай эътиборсиз юрганлиги ва охир-оқибат фанни ўзлаштира олмагани учун қониқарсиз баҳо қўйишган экан. Шунда олийгоҳ раҳбарлари фанларни ўзлаштирмаган ва келгусида билимсизлиги туфайли халқ хўжалигига балки зарар келтириши мумкин бўлган интизомсиз, «ҳавойи» талабаларни эмас, умрини турфа фаъл-атворли ёшларни ўқитиш, тарбия беришга бахшида этаётган зиёли инсонларни хузурига чақириб вазиятни таҳлил қилишибди. Сиз «ноқобил» деб атаган ана шу контрактчилар ҳисобидан маош олишларингизни эсдан чиқармасангиз яхши бўларди, гапни кўпайтирмай тезда баҳосини тўғрилаб, ҳисоботини топширинглар, дейишганини куйиниб айтишди улар.

Бундай муносабатлар қаршисида маънавий жиҳатлар тўғрисида гапириш ўринли бўлармикан? Лекин бутун ўқув даргоҳининг маънавий томонларини биргина шу билан изоҳлаш ҳам ўринли эмас, албатта. Талабалар ҳаётига қанчалар чуқур назар ташласанг, турли муаммоларнинг сабабларини топгандай бўлади киши. Масалан, бирор факултетнинг бюджет ҳисобидан ўқийдиган гуруҳига айтайлик, 15 нафар талаба қабул қилинадиган бўлса ҳам, ҳужжат топширганлар сони 150-300 ва ундан ортиқ бўлиши табиий. Агар мандат олиш учун 100 балл тўплаш лозим бўлса, демак, ҳатто 99-98 балл, баъзида эса 100 балл тўплаган айримлар ҳам бу танловдан ўта олмайди. Контрактли гуруҳларга эса 50-70 ва ундан ҳам кўпроқ талабалар қабул қилинади, бироқ бу гуруҳларга кам сонли ёшлар интилади, чунки ўртадаги асосий шарт – «пулига» чидаш ҳам бор-да. Мабодо бюджетли гуруҳда 15 нафар ўрнига 20 нафари 100 баллдан тўпласа, яна 5-6 таси 99-98 баллга эриша олса, белгиланган 15 нафарини ажратиб, қолган юқори баллиларга контрактли ўқиш таклифи айтилади. «Ўқийман» деб турган боласига кўзи қиймай, бир амаллаб тўлашга кўнадиган ота-оналар йўқ эмас, лекин кам. Қолганларнинг кўпчилиги моддий имкониятлари нуқтаи назаридан бу таклифни қабул қилолмайдилар. Келгусида илм-фанга хизмат қилиши мумкин бўлган бундай ёшлари тақдирга тан бериб, кўп ҳолларда ишсизлар сафини ёки «бозорчи»лар растасини тўлдирадилар.

Энди паст балли контрактчиларга келсак, улар ўз яқинлари ёрдамида шартномадаги пулни тўлай оладилар, бироқ уларнинг билим даражаси қайтиб кетганларникидан анча саёз, фан сирларини эгаллаш иштиёқи ҳам ўзгача яраша. Аммо бу гуруҳ барибир шакланади. Қарабсиз-ки, билим ва тарбия даражаси бир-биридан йироқ талабалардан иборат ўқув гуруҳлари вужудга келади. Уларнинг ўқишга бўлган муносабати ҳам ҳар хил, итмиҳон-синовлардан ўтишлари турлича. Баъзан ўқиш жараёнида тамагирликлар борлигини эшитаману бунинг сабабларидан бири қулоққа чалинаётган «таниш-билишчилик» бўлса, бири шу каби саёз билимли ёшларни қабул қилишда ҳам эмасми, дейман.

Демак, ўз билими билан контракт тўлов асосида ўқишга кира билган юқори балл олган ёшларни етук мутахассис қилиб тайёрлашга интилганимиз, уларни имкон қадар қўллаб-қувватлаганимиз маъқул ва самаралидир. Муҳими, бу интилиш аслида жамиятга на моддий, на маънавий зиён келтирмайди. Тўғри, билими саёз талаба пул тўлаётгани учун фойдалироқ бўлиб кўринар, **аммо унинг эртанги мутахассислик фаолиятида катта миқдордаги маблағлар билан ўлчанадиган камчиликлари-чи?!** Зеро, шундай бўлиши «фундамент»дан кўриниб турган табиий ҳолдир. Бундай мутахассислар эртага жамият учун навбатдаги муаммоларни яратади, холос. Қолаверса, жамият тараққиёти учун белгиланган режалар, дастурлар узоқни кўзлайди, самарадорликни, улкан натижаларни назарда тутади. Балки паст балл олган абитуриентларни қисқа муддатлик моддий манфаат деб қабул қилавермаслик биз учун асл фойдадир. Контрактчилар орасида грантга ўқийдиганлардан қолишмайдиган, улардан ҳам кучли билимли, интилувчан ёшлар, талабалар бор. Лекин қийинчиликда ўқиётганлар хаёлини контракт ташвиши чулғаб туради.

Шу маънода М. Исмоилованинг «ўқув даргоҳида қанча ортиқча маблағ бўлса, уни энг аввало талабаларнинг энг муҳим эҳтиёжлари учун сарфланиши..., оқилона харажат туфайли шартномада белгиланган пул миқдорини бироз бўлса-да камайтириш...» тўғрисидаги таклиф-мулоҳазаларини жуда ўринли деб ҳисоблайман. Муаллифнинг олий ўқув даргоҳларида «унча муҳим бўлмаган (контрактчилик – Б. М.) турли кераксиз-кераксиз тадбирларга» тез-тез маблағлар ажратиб турилиши зарурмикан, булар аслида контракт пулини камайтиришнинг реал имкониятидир, (гап олийгоҳлардаги ички тадбирлар ҳақида кетяпти, шоуга ҳомийлик ҳақида эса нима дейишни ҳам билмайди киши!) деган мулоҳазалари назаримда ўйлаб кўрарликдир. Бунинг учун чинакам истак, таҳлил ва хайрихоҳлик зарур, албатта! «Келин-куёв» шоу кўрсатувининг май ойи сонида Наманган Давлат университети, Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти ва битта лицей жамоаси томонидан ушбу кўрсатувга биргаликда ҳомийлик қилиш ҳақидаги улар йўллаган мактубни бошловчи муаллиф ўқиб эшиттирганида менинг ҳам кўнглимдан худди шу мулоҳазалар кечган, «шу ортиқча маблағни контракт тўлови учун ишлатишса, қандай яхши бўларди» дегандим беихтиёр. Бу ўй балки контракт пули тўлаётган кўпчиликнинг дилидан ўтгандир.

Шу билан бирга, М. Исмоилова айтмоқчи «шартнома асосида ўқиётган талабаларнинг ҳар томонлама шарт-шароитлари, тўловни қандай қийинчиликлар, кўпинча моддий етишмовчиликлар билан амалга ошираётганини» ҳис қилиш элнинг юрагидан кечаётганини юракдан кечириш ҳам муҳимдир.

«Кучли давлатдан кучли жамият сари!» тамойилимизнинг мазмун-моҳиятини, айниқса, зиёлилар – олий ўқув юртлари жамоаси, талабалари ҳар томонлама чуқурроқ тушуниши зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, бу даргоҳлардаги ўйлаб уюшма, ташкилот, жамғармалар ҳам талабалар ҳаётини ташкил этишга, уни бироз бўлса-да енгиллатишга, ўқув-тарбия жараёнлари сифатини яхшилаш йўлларини излаб топишга интилсалар ва бу борада аниқ таклифлар, ташаббуслар билан чиқсалар, ўз жамоалари ҳам, жамиятимиз ҳам яхши манфаат кўрар эди.

Бахтиёржон МЎМИНОВ

Партия ҳаёти

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

3 июл куни ЎзМТДП Марказий ҳайъатида ОБСЕнинг сиёсий маслаҳатчиси Корнелиу Мушински билан партия раиси Иброҳим Ғафуровнинг суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти, бўлажак сайловларга тайёргарлик, икки палатали парламент тизимига ўтиш жараёнлари ҳақида фикр алмашилди.

* * *

26 июнда Самарқанд вилоят Булунғур туманида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов билан самимий учрашувлар бўлиб ўтди. Уни Булунғур туманининг мингга яқин қариялари, меҳнат фахрийлари, фаоллари қатнашдилар. Учрашувда «Миллий тикланиш» партияси раиси Иброҳим Ғафуров ҳам иштирок этиб, ҳозирги даврнинг сиёсий жараёнлари ҳақида сўзлаб берди.

ЛИТРМИ, КИЛО?

ёки бир паллали «банка тарози»

Ҳозир нима кўп – битта маҳсулотнинг бир неча тури кўп, шу жумладан, истеъмол ёғининг ҳам. Уларнинг баҳоси... туридан кўп, десам фикримга қўшиласиз, албатта. Табиий бу ҳолга бозор гувоҳ, бозорда сиз гувоҳ. Майли, маҳсулотлар кўпайсин, уларнинг кўпайиши кўпнинг орзуси. Лекин... уларни харидорга ўлчаб берадиган «қўлбола» тарозилар сони ортаётгани, айниқса, унинг «қуйма» тури пайдо бўлгани бироз ажабланарли.

Кейинги пайтларда озиқ-овқат дўконларига кирсангиз, килолаб сотиладиган истеъмол ёғлар учун ана шундай «қуйма» , яъни литрлик банка «тарози»дан фойдаланишаётганини кузатасиз. Ажабо, пахта ёғи килолик тош босмайдиган бўлиб қолдимикан?! Килолаб сотишга мўлжалланган пахта ёғи бундан кейин литрлаб, ҳар литри фалон баҳода сотилади, деб ёзилган жойи бордир, балки? Чунки пахта ёғи килолаб сотилаётган озиқ-овқат дўконини учратиш қийин. Бор жойида «литрлай», йўқ жойида йўқ дегандай.

Бозорнинг унча-мунча сирини биладиган бозорчилардан «банка тарози»нинг афзалликларини сўраб кўрдик. «Жиққа мой-ку», – дейишди улар, – аввало киломи, литрми – қайси ҳисобда пулини тўлаётганингизни билмайсиз. Қолаверса, яна «қоладигани» бор.

– Қандай қилиб?

Банкалаб 10 литр олсангиз (сизнинг 10 литрлик идишингизга улар «ишонишмайди», ўз ишончли банкасида қуйиб беради), ҳар «тарози»да фалон граммдан банка ютиб қолаверади, айниқса қишда... Юзлаб килограмм, йўғе, литр ёғ сотилаверса, мойли жойнинг мойи чиқаверади-да.

– Ажаб тафсилотлар экан, – дедим, – буларни газеталарда ёритиш зарур.

– Йўқ ундай қила кўрманг.

– Нега?

– Унда бу тур пахта ёғ бу дўконларда ҳам умуман кўринмай қолади. Кейин ундан янаям қимматроқларини сотиб олишимизга тўғри келади...

Бу турдаги истеъмол ёғининг ёнидаги ёрлиққа қарасангиз, баъзан «1100 сўм» деган ёзувни ва бошқа қўшимча маълумотларни ўқийсиз. Лекин бу баҳо литргами, килограммми, балки... тоннасигами, буниси кўрсатилмаган. «Ана, банка турибди-ю» – мулойим оҳангда эътироз билдиради дўкон хизматчилари гоҳида харидорларга.

Ажабо!

Бу банка тушмагур «болалаб» қолдими деймиз, яқин кунлардан бери унинг ёнида баъзи дўконларда ярим литрлиги пайдо бўла бошлади. Ёнингизда қайси банкадан бўлса, пулингизни чамалаб шунисидан сотиб олаверасиз, хуллас, чўнтакка ҳам, банкангизга ҳам қулай (албатта, тарозининг «додаси» йўғе, «онаси»га нисбатан кам – банкага мос тўлайсиз).

Ёғ аҳоли энг кўп истеъмол қиладиган маҳсулотлар сирасига киради. Ким билади, балки шунинг учун қўли қўлига тегмаётган сотувчилар ўзига қулайлик яратишгандир. Биз эса ҳар қандай қулайликлар харидор учун ҳисоб-китобда ноқулайлик туғдирмаса, демоқчимиз холос.

ДИЛОРОМ



Эркин дунё ва аёл

ЗУЛФИЯ НАЗАР ВА «ГЎЗАЛ АҚЛ ЎЙИНЛАРИ»

Бу йилги «Оскар» – ўзбекистонликларга ҳам дахлдор

Дунёдаги халқаро мукофотлар ичида иккитаси кенг эътироф этилган. Булар, албатта, Нобел ва кино усталарига бериладиган «Оскар» мукофотлари.

Маълумки, 1929 йилдан берила бошлаган «Оскар» мукофоти 1931 йилдан мазкур номни олган. «Оскар» 73 йилдан бери кино санъати соҳасидаги дунёдаги энг нуфузли мукофот ҳисобланиб келиняпти. Бу мукофотни олишни орзу қилмаган кино санъаткорини учратиш қийин. Ҳар бир санъаткор шу мукофот билан тақдирланишни қалбининг чуқур ерида авайлаб юради.

Бу йилги «Оскар» мукофотининг бир чеккаси Ўзбекистонга дахлдор

...Зулфия 1947 йили 17 августда Германиянинг Розенҳайм шаҳрида туғилган. Отаси ўзбек, онаси немис миллатига мансуб, шунданми, ҳам ота, ҳам онанинг кўнглини олиш учун янги туғилган қизалоққа Зулфия – Силвия деб қўш исм беришган. Шу боис Ғарб матбуотида унинг исм-шарифи кўп ҳолларда Силвиа Назар (Sylvia Nazar) деб берилади. Ўрта мактаб ва лицейни Германия ва Туркияда ўқиб битирган Зулфия 1967-1968 йиллари Германиянинг Мюнхен университети, Адабиёт бўлимида таҳсил олади. 1970 йили Германиянинг Антиох коллежини тугатиб, адабиётдан бакалавр даражасига эга бўлди.

Зулфиялар оиласи 1953 йилда АҚШга кўчиб ўтади ва пойтахт Вашингтон атрофида яшай бошлайди. 1976 йили у Ню Йоркка келиб, Ню Йорк шаҳар университетида илм олади ва иқтисоддан мастерлик, кейинчалик докторлик илмий даражасига эришади.

1982–89 йиллари Зулфия «Контрол Дата Корпорейшн» номли марказда катта иқтисодчи бўлиб ишлайди. Мана шу ташкилотда иқтисод бўйича ЯНГИЛИК жорий этган ҳам Зулфия бўлди. Зулфия Қўшма Штатларнинг бизнес бозорлари учун биринчи бўлиб регионал иқтисодий модел яратиб берди. Узоқ йиллар мобайнида Зулфия Ню Йорк шаҳри бир қатор етакчи матбуот органларида муҳим вазифаларда меҳнат қилиб келди. 1983–1989 йиллари у «Қўшма Штатлар Янгилиги ва Дунё ахбороти», «Тақдир», «Дайжест», «Иқтисодий Тадқиқотлар Миллий Бюроси» каби журналларда ҳамкорлик қилиб, услубини такомиллаштирди, ўз мактабига асос солди. Қўшма Штатларнинг энг катта таъсирга эга бўлган рўзномаларидан бири «Ню Йорк Таймс» газетаси Зулфияни ишга таклиф қилди. Газетада Зулфия етакчи иқтисодий шарҳловчи бўлиб ишлай бошлади.

Зулфиянинг Ақш матбуотида бир-икки йил ичида чоп этилган мақолаларини йиққанимда, улар юздан ошиб кетди. Зулфия АҚШ матбуотида кундалик муҳим иқтисодий масалаларга бағишланган шарҳ, таҳлиллари билангина эмас, балки жиддий китоб, илмий тадқиқот ва монографиялари билан ҳам шуҳрат қозоняпти.

Зулфия олим В. Леонтев билан ҳамкорликда «Ёқилғи ҳисобланмайдиган маъданларнинг келажаги» номли монографик тадқиқот яратган. Бу асар инглиз тилида Ню Йоркда босилиб чиққан. Бундан ташқари яна Василий Леонтев ҳамда америкалик иқтисодчи олим Михаил Беверлар билан ҳамкорликда хом ашё ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда иккиламчи металлни қайта ишлаш таҳлилларига оид туркум илмий тадқиқотларни ишлаб чиқди.

Зулфия иқтисод фанлари доктори, иқтисодчи олима, ёзувчи, журналист сифатида жуда катта ишлар қиляптики, унинг бу соҳалардаги тадқиқотларини санаб чиқишнинг ўзига бир неча мақолалар тайёрлаш лозим бўларди.

* * *

Зулфиянинг турмуш ўртоғи катта олим. Уларнинг икки қизи ва бир ўғли бор. Вашингтонда Зулфиянинг ота-онаси уйида бўлганимда бир нарсага аҳамият бердим. Қанчалик банд бўлишига қарамасдан Зулфия ҳар куни ота-онасига телефон қилиб, суҳбатлашади. Зарур гапи бўлса-бўлмаса, барибир бир марта уларга телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўрашни канда қилмайди.

Кейинги вақтларда Зулфия ёзувчилик соҳасида ҳам катта асарлар яратиб, Ғарб китобхонини ларзага солдики, биз бу ҳақда қуйида алоҳида суҳбатлашамиз.

У ЯРАТГАН ИЛК БЕСТСЕЛЛЕР

Зулфиянинг биринчи бадиий асари иқтидорли математика олими Жон Форбс НАШнинг (John Forbes NASH) ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган. «Гўзал ақл: математик гений ва Нобел мукофоти лауреати Жон Наш ҳаёти» номли 469 саҳифалик китоб илк бор 1998 йили Ню Йоркдаги Симон ва Шустер нашриётида чоп этилганидан кейин, Ғарб дунёсида Зулфия китобини ўқимаган ва Жон Наш ҳаёти ва назарияси билан таниш бўлмаган зиёли қолмади десам, муболаға бўлмас.

Бу китобнинг биринчи нашри қисқа вақт ичида китоб дўконларида қолмади. Шу сабаб, Симон ва Шустер нашриёти зудлик билан Зулфия китобини 1999, 2000 ва 2001 йили қайта-қайта, ҳам қалин муқовада аъло сифатли қоғозда, қиммат нархда , ҳам юпқа, ҳаммабоп муқовада нашр қила бошлади.

Жон Форбс Наш



ЗУЛФИЯНИНГ АСАРИ ГОЛЛИВУД НИГОҲИДА

Америкада йилнинг муҳим бадиий асарлари «Голливуд»(«Hollywod»)нинг нигоҳидан четда қолмайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Зулфиянинг «ГЎЗАЛ АҚЛ: математик гений ва Нобел мукофоти лауреати Жон Наш ҳаёти» китоби асосида Голливуд тезлик билан «Ақл ўйинлари» номли бадиий филм яратди.

Зулфиянинг китоби асосида яратилган бу бадиий филм шу даражада машҳур бўлиб кетдики, натижада АҚШ Кино Академияси бу йил филмдаги бош рол – математик олим Жон Наш ролини ижро этган актёр Рон Ҳовардга («Ron Howard») ҳамда Зулфия китоби асосида яратилган филм сценарийсига ОСКАР мукофоти беришга қарор қилди.

«Математик олим Жон Наш ҳаётига нима сабабдан бунчалик қизиқиш пайдо бўлган?» – деган савол туғилиши мумкин.

* * *

Жон Форбс Наш ҳаёти буюк ва фожиалидир. Жон 1920 йили АҚШнинг Ғарбий Виржиния штатида туғилган. 1948 йили 20 ёшида университетни битириб, шу йили Питсбург Карнегий-Меллон университетида математика бўйича мастерлик диссертациясини ёқлаган.

Яна икки йил ўтгач, 1950 йили, 22 ёшида докторлик диссертациясини Принстон университетида ҳимоя қилган ҳамда диссертациясини «Математика солномаси» илмий журналида нашр қилдирган ва шу йили Массачусетс Технология Институтига ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинган. БИРОҚ, худди шу йили қаттиқ дардга чалиниб, шизофренияга дучор бўлган.

Деярлик 30 йил мобайнида, 1950 йилдан 1980 йилнинг бошларигача буюк олим ўз дарди билангина курашиб қолмасдан, балки уйдан чиқмасдан, математика соҳасида янгилик яратишга муваффақ бўлган – у ақл ўйинлари назариясига асос солган. ҳозирги вақтда олимлар ўртасида «Наш ечими» деб номланаётган назария мана шундай шароитда, касалликка маҳкум инсон томонидан яратилган. Жон Форбс Нашнинг илмий кашфиётлари 1994 йили Нобел мукофоти билан тақдирланган.

ЗУЛФИЯНИНГ «ГЎЗАЛ АҚЛ» АСАРИ ҲАҚИДА «Чикаго Трибюн» газетасида танқидчи Тед Антон «бу фактларга бой кенг кўламда тадқиқ этилган асар, бир пайтнинг ўзида ҳеч қаримас, гўзал муҳаббат ҳақидаги ҳикояни ҳам тараннум этган асардир» деб баҳо беради.

Америка ва Ғарбий Оврупо матбуотида бу китобга кўп ижобий тақризлар босилди.


* * *

ЗУЛФИЯ АСАРИНИНГ МАШҲУРЛИГИ НИМАДА?

Нима учун Америка ва Ғарбий Оврупо китобхонлари Зулфиянинг бу олим ҳаёти ва ижоди асосида ёзилган асарини севиб қолдилар?

Бу асарни ўқиб чиққан ва «эркин дунё» деб аталмиш мамлакатларда умргузаронлик қилган киши тезлик билан бу саволга жавоб бериши мумкин. Чунки Зулфиянинг «Гўзал Ақл» асарида тасвирланган қаҳрамон ҳаёти «эркин дунё»даги миллион-миллион зиёлилар ҳаётини, курашини акс эттиради. «Эркин дунё» деб аталиб келинаётган тузумда яшаш фақат курашдан, доимий кундалик курашдан иборатдир. Бу кураш оқибатида келиши орзиқиб кутилган ҒАЛАБА эса бу тузумда яшовчи ҳар бир фуқаронинг орзусидир. Зулфия ёзган китобга қизиқиш Америкада мисли кўрилмаган даражада катта бўлди. Бу китоб тезликда «бестселлер» бўлиб қолди.

«МИЛЛИЙ БЕСТСЕЛЛЕР» НИМА?



Китоб савдоси соҳасидаги «бестселлер» тушунчаси Америкада 1895 йилдан бери мавжуд. Ўша йили «Букман» («The Bookmen») жаридасида энг кўп сотиладиган китобларни аниқлай бошлаган. 1899 йилдан бошлаб, «Кўп талаб қилинадиган китоблар» («Books in demand») номи остида харидоргир китоблар алоҳида эълон қилиниб борилган.

Ҳозирги вақтда таниқли газета «Ню Йорк Таймс Бук Ревю» бир ҳафта ичида кўп сотилган китобларни «Паблишерс Уиикли» журнали эса, йил мобайнида машҳур бўлган китоблар рўйхатини доимий равишда аниқлаб боради. Бир йил ичида энг кўп сотилган китоблардан ФАҚАТ ЎНтаси «бестселлер» («bestseller») деб эълон қилинади.

Бу ерда бир нарсага аҳамият беришга тўғри келади. Америкада ҳар йили қанча китоб чоп этилади? Биргина ўтган йили АҚШда 100 минг номда китоб нашр қилинганлигини эсласак, шулар ичидан энг кўп сотилган китобларнинг биттаси Зулфиянинг китоби бўлди.

1998 йилдан бери Зулфиянинг «ГЎЗАЛ АҚЛ» асари муқовасининг тепасига қўйилган «Миллий бестселлер» («The National Bestseller») тамғаси билан босилиб чиқяпти. Бундан ташқари Зулфиянинг бу асари Китоб Танқидчилари Миллий уюшмаси мукофотига ҳам сазовор бўлди. «Миллий бестселлер» номини китоб камида бир миллион нусхада сотилганидан кейин олади.

Олим Жон Наш ҳаёти ва унинг ғалабаси ёшларга ёрқин маёқ бўлиб хизмат қиляпти, чунки Жон тарихдаги қаҳрамон эмас, балки барча ёшларга ўхшаш, оддий меҳнаткаш ота-онанинг фарзандидир. «Жон қўлга киритган ютуқларга нега энди улар эриша олмас экан? Улар ҳам, албатта ўз орзуларига эришажаклар!».

Мана шу тушунча кучли бўлган жамият Зулфиянинг китобини «Йўлнома», «Ўгитнома» сифатида қабул қилди ҳамда математик Жон Наш ҳаёти, курашини ва бу курашда қўлга киритган улкан ютуғини ёшлар ўз ҳаёти, курашидек, ўз ютуғи каби тасаввур қилишди.

Зулфия китобининг жуда машҳур бўлиб кетиши, назаримизда, худди мана шундадир.

Зотан, «бошингга тош ёғдирсалар ҳам, курашдан қайтма, ўз соғлигинг, ақл-идрокинг, ҳаёт-мамотинг, ор-номусинг учун кураш. Фақат ҳалол кураш ғалаба келтириши мумкин» деган ғоя ҳар бир жамиятга сув билан ҳаводек зарурдир.

Зулфия фақат шу китоби билан чегараланиб қолмади. Бу йил у ҳамкорликда Жон Наш ҳақида яна «Жон Наш Асослари» («The essencial John Nash») номли янги китоб нашр эттирди.

* * *

Асли марғилонлик Умрзоқ отанинг набираси, Рўзимат аканинг қизи Зулфиянинг фан, журналистика ва ёзувчилик соҳаларида олиб бораётган фаолияти ўрнак бўларлидир. У чинакам демократик жамиятда ўзбек аёли нималарга қодир бўла билишини исбот этмоқда.

Хайрулла ИСМАТУЛЛА,
Индиана университети
Марказий Евро-Осиё Тадқиқотлари бўлими
Блумингтон.

ЯНГИ ИҚТИСОД САРИ

(Боши 1—бетда)

Бу борада электрон бизнес соҳасидаги қонунлар мажмуасини ишлаб чиқиш жаҳон иқтисоди системасига кириб боришимизга ишончли асос яратади. Ўзбекистон ҳукумати бунга иқтисодий ўсиш стратегиясининг имтиёзли йўли деб қарамоқда. Ҳукуматимизнинг Президентимиз Фармони бўйича ишлаб чиққан кенг кўламли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 6 июнда чиқарган қарори шундан далолат беради. Кўриниб турибдики, бугун ахборот ва унинг коммуникацияларини давлат мустақиллиги ҳамда иқтисодий барқарорликнинг ва шу билан бирга, ахборот хавфсизлигини – Ўзбекистон давлати мавжудлиги ҳамда миллий хавфсизлигининг муҳим соҳаси деб қарамоқ лозим.

Ҳозирги вақтда, ҳукумат қарорида кўрсатилганидек, Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади: телекоммуникациялар инфраструктурасини ривожлантириш; интернет тармоғи миллий сегментига равнақ бериш; корхона, идора, муассасаларни компютер техникалари билан таъминлаш; компютер тармоқларини ёйиш; дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш; бу соҳаларнинг етук малакали ходимларини мунтазам етиштириш; норматив-ҳуқуқий асослар ҳамда стандартлаштириш ва сертификация устида иш олиб бориш.

Кейинги йиллар ичида Ўзбекистонда компютерлаштириш ва ахборот-технологияларини жорий этиш юзасидан бир қатор ишлар қилинмоқда. Соҳанинг қонунчилик асослари шаклланмоқда.

Осиё – Европа толали-оптик Шанхай – Франкфурт йўлининг 900 километрли масофаси Ўзбекистондан ўтади. У Шарқий Осиё ва Европа мамлакатларини юксак тезликдаги ўта замонавий алоқа билан боғлайди. Бу ҳайратомуз алоқа йўлини Тасаввурий Ипак Йўли деб аташ мумкин. У бепоён Осиё қитъасини бутун дунёга беҳад даражада яқинлаштиради.

Ҳозирги замон туғилиб келаётган янги цивилизациясининг қудрати шундаки, унга кўра жаҳон иқтисодидаги аҳволни энди тараққий этган ахборот, телекоммуникация тизилмаларига эга мамлакатлар белгилайди.

Мамлакат раҳбарияти келажакни кўзламоқда. Бугун олий ўқув юртларининг талабалари – эртанги кунларнинг мутахассислари дунёнинг энг яхши маърифий ҳамда ахборот ресурсларига кириш, улар билан танишиш, ишлаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Масофали таълим соҳасида яқин ҳамкорликлар йўлга қўйилмоқда ва яхши натижалар бермоқда. Олий ўқув юртларимиз бу борада жаҳоннинг етакчи маърифат даргоҳлари билан яқин алоқалар ўрнатмоқда. Тошкентда Вестминстр университети эшиклари очилмоқда. Мэриленд университети ҳам тайёргарлик босқичини кўрмоқда.

Интернет Ўзбекистонда тобора кўпроқ кишиларни жалб қилмоқда. Бугунги Ўзбекистонда қарийб 1500 юридик шахс интернет провайдерларнинг мижози, 7000 киши интернет обуначиси ва 140000 киши интернетдан фойдаланувчилар қаторида бор.

UZNET тармоғига эса 7 вазирлик киради. Марказий банк ва бошқа бир қатор ташкилотларда интернет корпоратив тармоқлари ишлаяпти.

Компютерлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш XXI асрда Ўзбекистон тараққиёти ва унинг рақобатбардошлигининг асосий факторларидан бири. Чунки, улар бизнес ва таълим учун янги улуғ имкониятлар очади; ахборот олиш, узатиш, сақлаш, фойдаланишда чексиз имконият яратади; иқтисодга қудрат бағишлайди; глобализация суръатларини жадаллаштиради; мамлакатнинг дунёда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади.

2001 йил май ойидан буён мамлакатда «Ўзбекистон–Интернет орқали тараққиёт» лойиҳаси амалга ошмоқда.

Ахборот технологиялари одамлар ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда. У иқтисодий муносабатларгагина эмас, ҳар бир одамнинг иш услубига, маданият, маърифат, маънавий-маиший турмушига ўз таъсирини ўтказмоқда. Қолаверса, ҳар бир кишига ўз иқтидорини рўёбга чиқаришнинг янги уфқларини очмоқда.

Ўзбекистон келажакка ахборот технологияларини ўзлаштириб ва ривожлантириб кириб боради. Электрон дунёсида ўз муносиб ўрнига эга бўлади.

Раҳмонқул КАРИМОВ,
иқтисод фанлари
доктори, профессор.

Тафаккур дурдоналари

ЭНГ МУҲИМИ...

Донишманддан сўрадилар:

– Энг муҳим вақт қайси?

– Ҳозирги вақт энг муҳимдир. Чунки инсон фақат ҳозирги вақтдагина унинг устидан ҳукмронлик қила олади.

– Энг муҳим одам ким?

– Сен ҳозир, шу заҳоти мулоқотда бўлаётган киши энг муҳим одамдир. Чунки бу одам билан яна мулоқотда бўла оласанми-йўқми – буни ҳеч ким билмайди.

– Энг муҳим иш нима?

– Энг муҳим иш одамни севишдир. Чунки инсон дунёга бошқа одамларни севиш учун келгандир.

Л. Н. ТОЛСТОЙ

БИР МИРИ ҲАЁН, УЧ МИРИ ЗИЁН

ОҚТЕПА ГЭСИ ЭСКИРДИМИ?

Тошкентнинг биқинидаги «Оқтепа ГЭСи» 1936-37-йилларда бунёд этилганди. Ўша маҳалларда шу ГЭСнинг беш-ўн километрли канали ўтган жойлар шаҳар атрофларидаги боғ-роғлардан иборат эди.

Дафъатан қараганда бундайин станция битказиб олинса бас – сувнинг оқим кучи биланоқ электр қуввати ҳосил бўлаверади, аҳолига хизмат қилаверади, деган тамойилга андармон бўлиб, шундай станциялар қуришга бел боғланганди.

Ушбу ГЭСнинг деривацион каналининг ўзи шаҳардан юзлаб гектар боғлар заминини эгаллаб олганди.

ГЭС ҳосил қилаётган қувват эса бор-йўғи 16 минг киловат келади, холос. Уруш йилларида қурилган Фарҳод ГЭСиники 126 минг киловат. Республикамизда кейинчалик қурилган юзлаб ҳар хил электр станциялар – сув кучи билан ишлайдиган, ёқилғи ёқиб ишлайдиган электр станцияларнинг жами қуввати 11 миллион киловатдан ошиб кетди.

Биз ана шу ГЭС «ёшини яшаб, ошини ошаб бўлди», деб ҳисоблаймиз. Эндиликда унинг узун канали шаҳарнинг қоқ киндигига тўғри келиб қолиб, ғоятда зарур ерларни банд қилиб ётибди.

Каналнинг бошларидан кўндалангига – Бешёғочдан Чилонзор томон ўтган анҳор учун улкан қувур-кўприк иншоотини қуришга тўғри келганди. Ҳозирда у тамомила эскириб «толиқиб қолди» (Техникада бундай ҳолни ҳисобга олиниши бор). Уни янгитдан қуриш учун эса миллиард-миллиард сўмлик маблағ талаб қилинади.

Устига-устак бу «кўприк» орқали транспорт қатновига рухсат йўқ. Чилонзорга ўтиши керак бўлган автомобиллар пастроқдаги кўприк орқали айланиб ўтиб, ортиқча уч-тўрт километр йўл босмоқда.

Қўйингчи, пойтахтимиз эндиликда шаҳарга анахронизм бўлиб қолган айни Оқтепа ГЭСи билан видолашиб, ундан воз кечмоғи зарур. У ҳозир бизга «Бир мири ҳаён, уч мири зиён» бўлиб турибти. Унинг берадиган қувватини эса тежаб-тергаш, ўша миллион-миллион киловатли станциялар ҳисобига бемалол қоплаб юбориш мумкин бўлади, деймиз.

Ўйлаб кўрадиган гаплар

«Жондин кечмасанг, жонона қайда» деганларидек, бу ишларнинг замирида «Ўзбекистон миллий боғи»га туташ «қувир-кўприк» остидаги баҳайбат, бесўнақай жарликни тўлдириб, боғнинг ҳусну-жамолини очишдек хайрли саъй-ҳаракат ҳам бор.

Бу дунёда одамзод биргина «қорни учунгина» яшамайди-ку, ахир!

Абдулла МАВЛОНИЙ,
геология-минералогия
фанлари кандидати,
Забиҳулла ҚАЙЮМ,
техника фанлари
кандидати,
Шарофиддин КЎНЧИ,
журналист

ҚИЁТДА КУН ҚИЁМЛАГУНЧА...

«Урганч – Хива» шоҳкўчасида троллейбусдан тушганимизда офтоб қўштом бўйли кўтарилиб қолган эди.

Қиётнинг сўлим қишлоғида бироз кезибок, кўнглимиз ҳиссий кечинмаларга, табиат сирларидан сўлим хаёлларга тўлиб, ижодкор ҳамроҳлар билан жим одимлаймиз. Кўзларимиз «учи-қирсиз»дай боғлар дебочасини кўриб ҳайрат нурларига тўлди.

Бу боғ ҳақида кўп эшитганмиз. Тўғриси, Қиёт ва қиётликлар, уларга бош бўлиб юрган эл фарзандлари ҳақида бисёр ёзишган. Бу ерда қаламкашларнинг нодир қаҳрамонига айланган фидойи ўғлонлар яшашини-да биламиз.

Уларнинг бу боғларни яратиш йўлида чеккан заҳматларининг ўзи бир қисса... Болалигимда қўлимга Огаҳий ҳазратларининг китоби тушиб қолганди. Ичида сурати ҳам бор. Бир расмда кекса бир дарахт тасвири акс эттирилган бўлиб, остида «Огаҳий экkан тут» деган изоҳ ҳам берилганди. Суратни қувонганча томоша қилиб «шоир бобомиз экkан тутни табаррук билиб, ҳали-ҳануз асраб-авайлашаётган эканлар»-да деб ўйладим. Бироқ йиллар кечиб, ҳақиқат ойдинлигича қаламга олингач билдим. Ўша тутни сақлаб қолиш кимлар учундир осон кечмаган экан. Очиғини айтсам, мен шу жумлани ёзаётиб, «кимлар учундир» деб эмас, балки, «ким учундир» десам тўғрироқ бўлур эди. Чунки, энди биздан нарида, қора зулматларга ботиб қолаётган шўровий тузум даврида шоир бобомиз экkан тут борасида ўша «кимдир» қайғурган, уни сақлаб қолиш илинжида эшикма-эшик югурган. Отаназар Пирназаров, бу киши ўша пайтлари ҳам катта бир хўжаликка бош бўлган. У ўшанда раислик курсисини эмас, балки оддий, бутоқлари каллаклanaвериб, чўтирлашиб қолган қари тутни асраб қолиш учун куйиб-пишганини кўриб кўпчилик ҳайрон бўлишганди. Вилоят ва туманга сардорлик қилаётган фирқа саркотибларидан мадад бўлмагач, шоир экkан тут атрофига чигит экмасдан боғ яратиш мақсадида кўчат ўтқазишга журъат қилган раис, бир сўз билан айтганда, жасоратини намойиш қилганди.

Маънавий-маърифий мерос, аждодлар ёди, миллий анъаналарга эҳтиромли муносабатда бўлувчилар билан муроса қилолмайдиган тузум раҳбарлари Отаназар Пирназаровнинг бошига не-не дашномларни ёғдиришмади... Қиётликлар боғ томон оқиб келаверади. Кимдир енг шимариб, қай бири белбоғини маҳкам боғлаб, чопонини бар урганча келади. «Ҳо-о, йўл бўлсин, ёшулли»!» – дейишса, «Огаҳий бобомнинг боғина!» – деб жавоб берадилар. Эллик гектардан зиёд майдонни гулу «мева-мастон»га чулғаб ётган бу боғни хосиятли билади одамлар. Демак, эллик хонадон бола-бақраси шу ерда меҳнат қилади. Боғни ижарага олмаганлар ҳам баҳорда бир келиб боғда бир пасгина тер тўкиб ишлаб кетишни одат қилишган экан. «Огаҳий авлиёдай одам бўлган. Илоё унинг покиза руҳи қўлласин. Экин-тикинимиз баракали бўлсин», дея дуо ҳам қилишаркан. Хуллас, эл наздида Огаҳий номидаги бу боғ, қиётликлар учун орзу-умиди ушаладиган Фирдавснинг ўзи. Ортиқча изоҳнинг ўрни эмас!

То биз боғ ичига қадам қўйгунимизча шулар дилдан кечди. Ҳамроҳларим кўнглида не таассурот, не фикр нуқтасидан ошди, билмадим. Лекин, кекса тутга назари тушибоқ уларнинг кўзларидан ҳайрат жилваланганини кўриб инондимки, дўстларимнинг хаёлидан кечган ўй-фикр ўйларимга уйғун.

Қиётда Шайх Мавлонбобо қабристони бор. Боғ сайри охирлагач, ўша ерга қараб юрдик.

...Ўқувчи пайтларим Хивага саёҳат қилгандик. Ичон қалъани томоша қилиб юрсак, кўриқхонанинг қоқ марказида иккита салобатли қабрга кўзимиз тушди. Уларнинг бирига «Мунис ва Огаҳийларнинг қариндошлари эътиборидан четда қолган, биродарлари ҳокини қишлоқдан шаҳарга элтиб дафн этган, деган савол ўйлантиради. Бу иккала қабр аслида рамзий қабрлар экан. Уни қачонлардир олис-яқиндан келиб-кетувчиларни «овутиш» мақсадида барпо қилинган экан. Ўтган асрнинг 60-йилларида Ғафур Ғулом, Ҳабиб Абдуллаев, Қори Ниёзий каби таниқли кишилар Хивага ташриф буюрганида Мунис ва Огаҳийларнинг қабри қаердалигини сўраган. Воҳа ёшуллилари елка қисишибди, «Қабр масаласидан хабаримиз йўқ...».

Ғафур Ғулом, Ҳабиб Абдуллаев, Қори Ниёзийлар салафлар ҳоки туробини Қиётдан излашибди. Топишолмабди. Шунда улар кўзига ёш олиб, қўлларидаги гулларни Мунис ва Огаҳийлар қаздирган, асрлардан буён сокин оқаётган сойга ташлашибди... Ана шундан кейин кимнингдир бети қизармаслик учун топиб, обод этса бўладиган асл қабр қолиб Хивада буюк шоирлар учун сохта қабрлар барпо этишибди.

Бундоқ чамалаб кўрадиган бўлсак, Огаҳий яшаган давр билан биз яшаётган замон ўртасида олис бир масофа мавжуд эмас. Бу орадаги тарих ҳали равшан. Туманлар ичида қолиб кетмаган. Тадқиқ қилинса, изланса, жон койитиб қидирилса, Огаҳий ва Мунис ҳазратларининг қабри ўша йиллардаёқ топилган бўлурмиди. У вақтлари Отаназар Пирназаров ўсмир бола бўлган. Огаҳий қабрини топиш илинжида Қиётга келган Субутой Долимовга ҳамроҳ бўлиб Шайх Мавлонбобо қабристонига боргани-ю, қамишзорлар оралаб шоир қабрини ахтаришганини ва бу ишдан ўз вақтида натижа чиқармаганини-ю, кейинчалик ўша йўл кўрсатувчи болакайнинг улғайгач, шоир қабрини излаб топгани ҳақида гапириб беришганди. О. Пирназаров хўжаликка раис бўлгач, Огаҳий ва Мунисннинг қабрини топиб, қайта тиклаб обод қилишга аҳд қилади. Бу ишда унга юз билан юзлашган отахон кўмак беради. Оёқ-қўли кучдан қолган бу отахонни раис елкасида кўтариб олиб юради. Ва ниҳоят... отахон, «мана шу Огаҳийники», дея кўрсатилган қабр белгилаб қўйилгач, мутахассислар томонидан тадқиқ қилинади, текшириб ўрганилади.

Дарвоқе... текширув жараёнида қабр қайта очилганида, ёш раис маййитнинг покиза сақлаганини кўриб, ҳайратланиб, унинг ўнг қўлини маҳкам қисганча «Ассалому алайкум, Огаҳий бува!» деб юборган. Шу-шу бўлгану уни хоразмликлар «Огаҳийнинг қўлини олган раис» деб айтишади. Огаҳий ҳам пирдай шоир. Унинг қўлини тутган, унга дил берган одам кам бўлмайди. Отаназар ака қарийб 20 йилдан буён хўжаликка раислик қилади. Шунча йилдан буён унинг қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритган муваффақиятлари кўп. Кўкси тўла нишонлар, унвонлар. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими».

Шайх Мавлонбобо қабристонида азим мақбара турибди. Бораверишда сўкмоқларга мармар тўшалган. Қўштабақа эшик остонасидан ажиб бир ҳиссиётлар ичида ичкарига қадам қўяр эканмиз, кимнингдир равон оҳангда муқаддас оят кироат қилаётгани эшитиларди. Биз ҳам тавозе билан ўтирдик. Ҳалиги киши қўлларини кўтарди ва дуолар қилди. Юзига фотиҳа тортгач, кетишга чоғланган бу зиёратчи негадир кўзимга танишроқдай кўринаверди. «Кимгадир ўхшатдим шекилли, – дедим ўзимга-ўзим. – Ахир ҳеч қандай танишларим йўқ. Илгари бу ерда бўлмаганман ҳам».

Мақбарани зиёрат қилиб қайтарканмиз, йўлда дўстларимдан бири деди:

– Танидингизларми? Ҳалиги зиёратда тиловат қилиб ўтирган одам ким эди?

– Йўқ, лекин таниш кўринди, – дедим мен.

– Бу Огаҳий номли ширкат хўжалигининг раиси. Мен уни телевизорда кўрганман. – Гап билан муҳташам масжид олдига келиб қолганимизни сезмай қолибмиз. Даҳлизда бизни кутиб олган кишди мутавалли бўлса керак, саломимга куюққина жавоб қайтарди. Меҳмон эканимни билгач:

– Урганчдан келдингизларми? – деб сўради.

– Ҳовво, орамизда Тошкентдан келган меҳмонлар ҳам бор. Бир хивалаб келайлик, деб чақирган эдик. Аввал Огаҳий бувани зиёрат қилали, дедик...

– Оббо... – бироз ҳижолат чеккандек бўлиб деди мутавалли, – сал эртароқ чиққанларингизда раис бувага йўлиқардингизлар. Хивагача машина топиб берарди. Сиздан сал олдин зиёратга келиб кетди.

Раисимиз Отаназар ака ҳар жума куни эрталаб келиб Огаҳийни зиёрат қилиб кетади. Бу сўзларни эшитиб, раис билан учрашгимиз, диллашгимиз келиб қолди. Оқсоқолдан хўжалик бошқаруви идорасининг қаердалигини суриштирдик.

– Раис кабинет одами эмас, – деди мутавалли. – У жума куни зиёратга келиб, элнинг бахти-камоли ҳаққи дуою фотиҳалар қилгач, одамлардан хабар олишга кетади. Бошига мусибат тушган, бемор одамларнинг уйига бориб ҳол-аҳвол сўрайди. Мададга муҳтожларга мадад беради. Тўй қилганкўстидан хабар олади-да.

Отахоннинг гапларидан ички бир қароримиз ғолиб келгандай бўлаверди. Огаҳийнинг қўлини олган раис билан қўл бериб кўришиш истагида идорага бордик.

– Раис йўқлар. У киши учун бугун элатдан соғлиқ-омонлик сўрайдиган кун. Пешингача кутсангиз келиб қолар, – деди котибаси.

Бизни эса очиқ осмон остидаги мўъжиза – Ичон қалъа ўз қучоғига чорлаётган эди. Огаҳий буванинг муборак қўлларини бошқа ўнғайроқ кунга қолдирдик. Ва бир хивалаб келиш учун йўлга отландик.

Муқаддас ИСМОИЛОВА.

Тикланиш одамлари

Ёдимиз лавҳалари

САҲИБОЕВНИНГ ФАЙЗИ ВА ЗАКОВАТИ

1950 йилларда биз Ўрта Осиё университетининг талабаси эдик. Учинчи курсдан бошлаб тарихий материализм ва диалектик материализм фанидан таҳсил ола бошладик. Катта залга тўпланган 100 дан зиёд талабага кўримсизгина, оддий кийинган, истараси иссиқ ёш муаллим дарс ўтди. Дастлабки вақтларда, залда ола-ғовур, пичир-пичирлар бўлиб турди. Ичимизда қобилиятли, билимдон талабалар бўлар, улар унча-мунча ўқитувчиларни довдиратиб қўярдилар. Улар янги муаллимни ҳам менсимай, қалтис саволлар билан уни ҳижолатга солмоқчи бўлдилар. Аммо, муаллим бўш келмади. Барча саволларга аниқ, пухта ва далилу исботлар билан жавоб қайтарди. Айни пайтда дарсларни ҳам қойилмақом ўқирди. Бора-бора ўқитувчининг обрўси ошиб, талабалар унинг лекциясини орзиқиб кутадиган бўлдилар. Бу ном чиқарган муаллим Рихси Саҳибоев эди. Университетда дарс бериш билан бирга ўша пайтда марксизм-ленинизм институтининг Ўзбекистондаги филиалида илмий ходим бўлиб ишлаган. У даврда бу илмий даргоҳ ғоят обрўли, нуфузли бўлиб, унда энг салоҳиятли олимлар тўпланган эди. Улар доҳийлар асарларининг илмий-амалий таржимаси билан шуғулланар ва нашрга тайёрлар эдилар. Рихси Саҳибоев ана шу даргоҳда олим сифатида вояга етди. Кейинчалик бўлим мудири, директор ўринбосари лавозимларида ишлади. Таниқли олимларга, машҳур таржимонларга бош-қош бўлди.

1950 йиллардан бошлаб республика газета ва журналларида унинг турли мавзулардаги публицистик мақолалари чиқди. Р. Саҳибоев илм-фан ва педагогик фаолият билан шуғулланар экан, журналистикага ҳам меҳр қўйган эди. Бу борада ҳам эътибор қозониб, кўзга кўринган домла «Қизил Ўзбекистон» газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади ва кўп ўтмай Ўзбекистон Телеграф агентлигининг раҳбари этиб тайинланди. Расмий ҳужжатлар ва материалларни ЎзТАГ ходимлари ўзбек тилига таржима қилиб, республикадаги барча матбуот тармоқларига тарқатарди. Айниқса, Н. Хрушчев давлат тепасига келгач, ЎзТАГ ва республика матбуоти ходимларининг юки ва масъулияти янада оғирлашди. Н. Хрушчев чет элларга кўп чиқар, республикаларга ҳам тез-тез сафар қилиб, керагидан ортиқ нутқлар, маърузалар қилар, уларнинг барчаси албатта дарҳол республика матбуотида нашр этилиши шарт эди. Н. Хрушчев сафарлари ва салоҳатларига оид ҳисоботлар ва материаллар газеталарнинг деярли барча саҳифаларини эгалларди. уларни таржима ва таҳрир этиш ЎзТАГ ходимлари ва айнан Р. Саҳибоев зиммасида бўларди. Газета ходимлари ҳам уларнинг сифати ва вақтида чиқариш учун жавобгар эдилар. Одатда ҳисоботлар ва расмий хабарлар босмахонада терилиб, саҳифага қўйилгандан сўнг уларга Москвадан тузатишлар кўп келар, ЎзТАГ ва газета ходимларининг тинка-мадорини қуритарди. Кўпинча улар эрталабгача, мижжа қоқмай ишлардилар. ЎзТАГда Н. Ҳабибуллаев, Ш. Алиев каби моҳир таржимонлар ва муҳаррирлар қўлидан чиққан расмий материалларни ҳам Р. Саҳибоев қайта кўриб, таҳрир қиларди. Таржима ва таҳрирда у ҳам тезкор ва моҳир эди.

Н. Хрушчев ўз нутқ ва маърузаларида халқ мақоллари, маталлар ва қочиримли сўзларни кўп ишлатарди. Ана шуларнинг ўзбекча вариантларини топишда Р. Саҳибоевдан ўтадиган кам эди, энг мос ва маъқулини топиб матнга киритарди. Н. Хрушчевнинг бир нутқида «покажу им кузкину мать» деган ибора ишлатилган экан. Таржимонлар буни «Албатта таъзирингизни бераман» деб ўгиришган. Р. Саҳибоев ўйлаб-ўйлаб «Онангни Учқўрғондан кўрсатаман», деган иборани қўллади. Яна бир нутқдаги «черт побери» деган сўз, «қуриб кетсин», деб таржима қилинган экан. Домла матн мазмунига кўра, «жин урсин» деган гапни маъқул кўрди. Домла ҳатто расмий материалларнинг асл русча нусхаларининг ҳам хато ва камчиликларини тузатарди.

Р. Саҳибоевнинг қобилияти ва инсоний хислату фазилатлари юқори лавозимлардаги фаолиятида янада намоён бўлди. У собиқ Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг масъул котиби лавозимида ишлаб кўпчиликнинг, айниқса, оддий кишиларнинг ҳурматини қозонган. Ўша вақтларда шаҳар ва қишлоқлардан келган фуқаролар турли арзлар, шикоят ва илтимослар билан Олий Советга мурожаат қилишарди. Уларни кўпинча масъул котиб Рихси ака қабул қилиб, иложи ва имконияти борича кўмак берарди. Р. Саҳибоев ўз ҳамкасблари бўлмиш журналистларга ҳам кўп ёрдам кўрсатарди.

Домла ва устоз Р. Саҳибоев каби кишиларнинг порлоқ хотираси ёдимиз лавҳини мудом равшан этиб туради.

Фатҳулла АБДУЛЛАЕВ,
шарқшунос олим,
журналист

Мухлисона

ДИЛКАШ ИНСОН ЭДИ



Эл суйган ҳофиз Неъматжон Қулабдуллаев дуторга ошиқ кўнгли билан кишилар қалбини ҳам қўшиқларга ошно қилиб яшади. Неъматжон акани яқиндан билган мухлислар уни суюкли созидай дилкаш, меҳру мурувватли инсон эди, дейдилар. Йўлимиз бир тушиб уста санъаткор билан Туркистонга зиёратга борганимиз эса менга унутилмас хотира бўлиб қолган. Ўшанда узоқ йўл юриб анча толиқиб турган бўлса-да, унинг келишини эшитиб тезда йиғилишган шинавандаларга нақ икки соат дутор жўрлигида куйлаб, барчани хушнуд қилди. Эртаси куни маҳалладаги хонадонлардан бирида тўй бўлаётганини айтишди. Тирикчилик ташвишларидан бироз қийналишиб қолган ўша хонадонга чиқиб ҳофиз тўйини ўтказди. Элдан тушганини уй эгасига яна тўёна этиб, фақат дуо олгани куй тўла қалбнинг саховатга ҳам бирдай ошнолигидан эди. Ўша оқшом ҳам етук ҳофизнинг ижрочилик маҳоратига (у микрофонсиз куйларди), дутор чертимларидаги жойжойида оҳангланаётган сўзлар завқига берилган мухлисларда унинг бу олижаноблигидан яна меҳр-муҳаббатлари ортди.

Чинакам санъаткорнинг созию овози қалб учун шифобахш малҳам каби ва ҳайрат уйғотувчидир. Бундай ҳофизларнинг хонишига шунчаки қулоқ тутиб бўлмайди. Ахир қўлидаги дутори билан бир жисму жондек қўшиққа сингиб кетади-да. Ҳофиз дунёдан ўтиб, энди қадрдон дутори ўксиб қолгандай мухлис дилини ўрташи ҳам шундандир балки. Неъматжон Қулабдуллаевнинг «Кезарман», «Индамади», «Келмаса келмасун, нетай», «Розиман» каби эл ёдига муҳрланиб қолган қўшиқларининг номи айтилиши билан беихтиёр ҳофиз хонишлари бирдай жонланади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлган устознинг кўплаб шогирдлари ҳофиз, бастакор Неъматжон аканинг куй-қўшиқларини куйлаб келадилар. Асли Чимкент вилояти Қўштегирмон қишлоғида таваллуд топган уста санъаткор бир умр дуторнинг қўшторида чексиз дунёларни, қалб уммонларини ҳис қилиб куйлади, поёнсиз ҳаёт бахш этувчи қўшиқларда мангу сувратланиб қолди.

Сайёра АБДУЛЛАЕВА

Суқрот жаҳон фалсафаси тарихида алоҳида ўрин тутади. У қадимги юнон классик фалсафасига ва шу орқали ҳозирги замон Европа фалсафасига асос солди; бир неча минг йиллар муқаддам ҳозирги жаҳон фалсафасининг энг муҳим ва мураккаб муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилди.

Суқрот биринчи бўлиб ғоянинг инсон ва олам борлиғининг асоси, унинг абадийлиги тўғрисида фикр юритди. Унинг шахсий ҳаёти, фалсафий таълимоти ва фожиаси ниҳоятда сирли ва жозибадор бўлганлигидан бир неча асрлардан бери инсониятни ҳайратга солиб келяпти.

Ғоянинг абадийлигини, унинг куч-қудратини фақат ўз таълимотлари билангина эмас, балки шахсий ҳаёти билан исботлаган буюк даҳолар тарихда кўп бўлган. Суқрот ана шуларнинг пешвоси эди. Зеро, ўз ҳаётингни абадий ва умумбашарий ғоялар тантанаси учун бағишлаш Суқрот таълимотини ўрганишдан бошланади.

Платоннинг буюк устози тўғрисидаги қуйидаги асари ғоянинг туб моҳияти, унинг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини теран англашимизда яқиндан ёрдам беради, деб умид қиламиз.

СУҚРОТ УСТИДАН СУД ВА УНИНГ ҲИМОЯСИ

(ПЛАТОНнинг «Апологиялар» асаридан)

Афина суди Суқротга қуйидаги айбларни қўйди: у давлат динини тан олмайди; ёшлар ахлоқини бузяпти, ёшларни давлат динига ишонмасликка чақиряпти.

Суқротнинг ҳаётида рўй берган ҳодиса кейинчалик инсониятнинг кўп пайғамбарлари, Исо Масиҳ ва кўплаб устозлари ҳаётида рўй берди.

У инсониятга тўғри йўлни кўрсатди ва бу йўлни кўрсатар экан, ўша даврнинг ижтимоий ҳаёти асосланган ёлғон таълимотларни кескин танқид қилди.

Суқрот кўрсатган йўлнинг ҳақиқий эканлигини тан олса ҳам бу йўлдан юра олмаган кўпчилик афиналиклар ўзлари учун муқаддас ҳисобланган тартибларнинг яроқсизлигини фош этган бузғунчи Суқротдан қутулиш мақсадида уни судга бердилар. Суд унинг ўлим жазосига ҳукм қилиниши билан тугаши лозим эди. Суқрот буни билди ва ўзини ҳимоя қилмади. У фақат афиналикларга нима учун шундай қилганлигини, агар тирик қолса, бу ишини яна давом эттиришини айтиш учун суддан фойдаланди.

Судялар уни айбдор деб ҳисобладилар ва ўлим жазосига ҳукм қилдилар. Суқрот ҳукмни хотиржам тинглади ва судга қуйидаги нутқ билан мурожаат қилди:

ТУШСИЗ ТУНЛАР

– Энди одамлар сиз – афиналик гражданлар, донишманд Суқротни асоссиз ўлдирдингиз, деб айтадилар. Улар мени донишманд деб атайдилар, ҳолбуки, мен донишманд эмасман. Агар сиз озгина кутиб турсангиз, бу ўлим ўз-ўзидан рўй берган бўларди, чунки менинг ёшим ўлимга жуда яқин. Сизларга – мени ўлимга ҳукм қилганларга яна айтмоқчиманки, сиз мени ўлимга ҳукм қилар экансиз, мени ўлимдан қутулиб қолишни билмайди, деб беҳуда ўйлаяпсиз. Мен буни биламан, бироқ ўлимдан қутулиб қолишни ўзимга муносиб кўрмаяпман. Мен агар йиғласам, инграсам, бошқа кўп нарсаларни гапирсам, сизларга ёқишини биламан. Бироқ менга ҳам, бошқа бирон бир одамга ҳам ўлимдан номуносиб равишда қутулишга интилиш ярашмайди. Агар одам ўзини ҳурмат қилмаса, ҳар қандай хавф-хатарда ҳам ўлимдан қутулиш воситаси мавжуд.

Ўлимдан қочиб қутулиш қийин эмас, энг қийини ёмонликдан қочиб қутулишдир: ёмонлик инсонга ўлимдан кўра тезроқ келади ва уни зудлик билан қамраб олади. Мана мен оғир ва кексаман, мени ўлим қамраб олди, сиз – мени айбловчилар эса тетик ва тезкорсиз, сизларни қандайдир анча тезроқ нарса – ёмонлик қамраб олди. Сиз мени ҳукм қилган экансиз, мени ўлим қуршаб олди; мени суд қилган сизларни эса ёмонлик ва иснод ўз исканжасига олади, ҳақиқат сизга шуни ҳукм қилади. Мен ўз жазомни тортаман, сиз ҳам ўз жазонгизни тортасиз. Ҳамма нарса шундай ва шундай бўлиши керак, ҳамма нарса яхшиликка интилиши лозим.

Бундан ташқари, мени айбловчиларга яна нималарнидир айтмоқчиман. Ахир, ўлим олдидан одамлар келажакни ёрқинроқ кўрадилар-ку! Мана мен сиз ҳамшаҳарларимга башорат қилмоқчиман: сиз менинг ўлимимдан кейинроқ жазоланасиз, мени ҳукм қилганингиздан ҳам оғирроқ жазоланасиз. Сиз кутаётган ҳодисага бутунлай зид ҳодиса рўй беради. Сиз мени ўлдириш билан сизни қоралайдиган барча кишиларнинг нафратини қўзғайсиз, сизни айбловчилар сиз учун ниҳоятда ёқимсиз бўладилар, улар ёш бўлганлигидан уларнинг хуружларига бардош бериш сизга жуда қийин бўлади. Менинг ўлимим тентакона ҳаётингизга қарши таъналардан сизни қутқара олмайди. Одамларни ўлдириш билан таъналардан қутулиб бўлмайди. Бунинг учун энг оддий ва таъсирчан восита битта: яхшироқ яшаш керак.

Энди эса мени судда қоралamаган, балки оқлаган кишиларга мурожаат қилмоқчиман. Сизлар билан охирги марта суҳбатлашар эканман, сизларга ғоят қизиқ, ҳозир мен билан содир бўлаётган ҳодиса ҳақида, бу ғайритабиий ҳодисадан қандай хулосага келганлигим ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Бутун ҳаётим давомида, энг муҳим ва аҳамиятсиз ҳолатларда мен доимо қалбимдаги сирли овозни эшитдим, у менга бахтсизлик келтириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан огоҳлантирди ва тийиб келди. Ҳозир эса, барчаларингиз кўриб турганингиздек, ниҳоятда бахтсизлик ҳисобланган ҳозирги ҳолат рўй беришига қарамай, бу ички овоз мени эрталаб уйдан чиққанимда ҳам, бу ерга – судга келаётган вақтимда ҳам, нутқ сўзлаётган вақтимда ҳам мени ўлим хавфидан огоҳлантирмади ва ушлаб қолмади.

Бу нимани англатади? Мен ўйлайманки, ҳозир мен билан рўй берган ҳодиса ёмон эмас, балки яхшиликдир. Ахир, аслида ҳам иккидан бири тўғри: ўлим онгнинг тўла йўқ қилиниши ёки ривоятларга кўра, руҳнинг бир жойдан бошқа жойга кўчишидир.

Агар ўлим онгнинг тўла йўқ қилиниши экан ва тушсиз чуқур уйқу экан, у ҳолда ўлим, шубҳасиз, яхшиликдир. Чунки ҳар бир одам тушсиз тунда рўй берган ҳодисаларни эслаб кўрсин, бундай тунни кўрқув, изтироб, ташвишларга тўла кун ва тунлар билан таққослаб кўрсин. Мен ишонаманки, ҳар бир одам бахтли кун ва тунларни жуда оз топади. Ўлим шундай уйқуки, мен уни яхшилик деб ҳисоблайман. Агар ўлим бир оламдан бошқа оламга ўтиш экан, агар бу ҳақ бўлса, агар у оламда марҳум донишмандлар ва авлиёлар мавжуд бўлса, улар билан бирга бўлиш яхшилик эмасми?! Худди ана шу оламга бориш учун мен бир марта эмас, балки юз марта рози бўлардим.

Мен ўйлайманки, сиз судяларга, барча одамларга ўлимдан кўрқишнинг асло кераги йўқ ва бир нарсани ёдда тутинг: яхши одам учун тириклигида ҳам, ўлганида ҳам ёмонлик бўлмайди!

Менга ёмонлик қилиш ниятида устимдан ҳукм ўқиганлардан ҳам, мени айблаганлардан ҳам хафа эмасман.

Бироқ бизнинг ажралиш вақтимиз етди: мен ўлим сари бораман, сиз яшаш учун борасизлар. Қайси биримизга яхши эканлигини Худо билади!».

Суддан кейин кўп ўтмай Суқрот устидан чиқарилган ўлим ҳукми ижро этилди. У бир пиёла заҳар ичиш билан шогирдлари ўртасида осойишта жон таслим қилди. Платоннинг «Федон» асарида Суқрот ўлимининг тафсилоти тўла баён қилинди.

Рус тилидан
Қодиркул РЎЗМАТЗОДА таржимаси

Даврлар, мутафаккирлар, таълимотлар

Оламнинг боши ва охири кўринмайди. Нақшбанди Куброни ўқисангиз, унга кўра бизга бор бўлиб туюлган нарсалар аслида йўқдир, чунки улар яралган ва комил эмасдир, улар ҳаракатда, ўзгаришда, демакки, охири емирилиш ва йўқолишдадир. Туғилган нарса ўлади. Кўкарган нарса қурийди. Бошланган нарса охирлайди. Ибтидоси бор нарсанинг интиҳоси ҳам бор. Оллоҳ Бируу Бордир. Унинг ибтидоси йўқдир ва шунинг учун интиҳоси ҳам йўқдир. Оми кўзига йўқ бўлиб туюладиган Оллоҳ, руҳ худди шамол кўринмагандек кўринмаса-да, аммо бордир, комилдир ва собитдир. Дарахтни шамол тебратади, аммо ўзи кўринмайди. Биз шамолни кўрмасак-да, дарахтнинг тебранганини кўриб, шамолнинг борлигига иқрор бўламиз. Аммо шамолни яратиб қўйган Оллоҳни кўрмаганимиз учун гоҳи гумроҳлик билан унинг борлигига шубҳа қиламиз. Яралган нарсага ишончимиз комил, аммо Яратганга ишончимиз суст. Оллоҳ, ўзинг кечиргин! Яратган буюкдир! Яратган покдир! Яратилганлар Яратганнинг қошида ожиздирлар.

Дунёда кўриниб турган, сезилиб турган, бор нарса абадий эмасдир. Кўринмаётган руҳ абадийдир.

Бор йўқдир, йўқ бордир.

Миллиард йиллик юлдузлар бир куни келиб бир лаҳзага ҳозиргина ёнгандек йилт этиб ўчади, қоронғулик чўкади. Коинотни ўраган бўшлиқ, қоронғулик, йўқлик абадийдир.

Борлиқ ўткинчидир.

Йўқлик абадийдир.

Миллион йиллик тоғлар, залворли чўққилар емирилади. Улар юракларга солган салобат, виқор абадийдир.

Ёнаётган гулханлар ўчади, уларнинг дилдаги тафти абадийдир.

Маъшуқасига термулиб турган ошиқ ва ошиғи назаридан қизариб турган маъшуқа ўткинчидир, фақат улар чеккан эҳтирос, ҳижолат абадийдир, қайдадир кезиб юрадир. Зеро муҳаббатнинг манзили қалбдир, инсон ўлгач, танни қабристонга қўядилар, қалб боқийлик сари кетадир...

Ҳамма яратилганлар фонийдир.

Яратган боқийдир.

Бу, бир қараганда, шунчаки сўз ўйинига ўхшайди... Аслида бундай эмас.

Биз кўриб турган нарсамизга қараб фикрлаймиз. Кўзимизни юмсак, ўйлаётган нарсамизни кўра бошлаймиз. Шунинг учун донишманд шоир «кўзга айлансин кўнгил» дея иштибоҳ қилади.

Сиз фотонегативни кўргансиз. Фотонегатив – суратнинг акси. Энг гўзал мавжудотнинг сурати ҳам фотонегативда даҳшатли кўринади. Гарчанд негатив бор-йўғи суратнинг аксидир. Негативда позитивни кўришга ўрганиш керак. Худди шундай биз ўзимиз кўникмаган, кутмаган фикрлардан қўрқмаслигимиз керак. Файласуфлардан бири айтгандек, ҳамма фикрларнинг яшашга ҳаққи бор. Негатив фикрлар позитив фикрларнинг нариги томондан кўриниши, холос. Қора – оқнинг соясидир, аксидир. Бу дунё – нариги дунёнинг негативи, шунинг учун дунё кўзимизга кўпинча қора кўринади. Оллоҳ ўз жамолини яратилганларга кўрсатмади, ўз жамолининг акси кўринсин учун дунёни яратди. Бу дунё – Оллоҳ жамолининг кўзгудаги акси.

Дунё – гўзал. Кўплар бу дунёнинг жамоли деб ақлидан озади, нафсу ҳирснинг комига тушади. Оллоҳнинг аксики шу қадар гўзал бўлса, Оллоҳнинг ўзи қанчалар гўзалдир! Сўфийлар Оллоҳнинг жамолига ошиқ бўлганлар. Тасаввуф Ҳақ жамолига етишиш сари ҳаракат йўлидир.

Дарвишлар оломондан чекинадилар. Оммадан бошқача фикрлайдиган одам ёлғизликка маҳкумдир. Аммо бу кўрқинчли эмас. Бананинг ёлғизлиги нима бўларди, Оллоҳнинг ўзи якто, ёлғиз бўлган бир пайтда...

Дарвиш – ёлғиз эмас, унинг хаёли Ҳақдадир.

Уни кўрмаётганлари ҳечдир, Оллоҳни кўрмаётганлари фожиадир. У яратган дунёда юриб, уни танимаётганлари фожиадир. «Мен гизли бир хазина эдим, ошкорланишни истадим» дейди Оллоҳ ва ўзининг акси бўлган дунёни бор қилади (Жалолиддин Румийнинг «Ичингдаги ичингдадир» асаридан). Дунё – Оллоҳ чеҳрасининг аксидир, акси шу қадар гўзал бўлса (ахир, дунё деб кимлар ўзини йўқотмади?!), Оллоҳнинг ўзи қанчалар гўзалдир.

Афсуски, одамлар аксига – ўткинчи дунё жилвасига ошиқ бўладилару, Оллоҳни кўра олиш учун тариқат машаққатини чекишга интилмайдилар. Тариқат йўли машаққатлидир. Ҳамма ўрганган «ҳақиқат»ларга қарши тура билмоқни талаб қилади бу йўл.

Дарвишлар исён эмасми эдилар?! Ҳамма оила қурса, улар тоқ яшардилар. Ҳамма уйда яшаса, улар қабристонларда тунни тонгга улардилар. Ҳамма ялтироқ либосларга бурканса, улар жандага ўранардилар. Ҳатто кийим, ҳаракатда бошқаларга тескари эдилар. Оллоҳнинг жамолига етиш йўли ана шу терслик орқали эмасмикин?!

Афлотуннинг «Мусоҳабалар» китобида айтилишича, Суқрот ўлим тўшагида ётган дўстининг: «Кўзимга кўринмоқдаки, куним битган – эрта индин ўламан, қабрда илончаёнлар ўрмалаб келиб чақадилар, қуртлар бармоқларимни кемирадилар», – деган ноласига шундай таскин беради: «Сен бундан икки юз йил аввалги ёмғирда ивиганмидинг?! Йўқ! Сен беш юз йил аввалги жангда ярадор бўлганмидинг?! Йўқ! Нега? Чунки сен ҳали туғилган эмас эдинг. Туғилганингдан аввалги ёмғирда ивимаганинг каби, туғилганингдан олдинги касалликка чалинмаганингдек, ўлганингдан кейин ҳам бўлмайсан. Ўлганингдан кейин бу дунёнинг ёмғиркори, қурти-қумурсқасининг сенга алоқаси бўлмайди», – деб таскин беради.

Эпикурнинг фикрича, ўлимнинг одамга дахли йўқ. Сен тириксан, демак, ҳали ўлимнинг сенга алоқаси йўқ. Агар ўлсанг, йўқсан – яна азоб чекмайсан. Қайси мурда азоб чекади. Ўликлик – ҳар қандай ҳис-туйғудан холиликдир, ҳаракатсизликдир.

Тўғри-да, дунё сенгача ҳам миллион йиллар бор эди. Йилт этиб, келиб кетасан. Яна миллион йиллар дунё сенсиз жойида қолаверади.

Сўфийлар ўлимдан қўрқмайдилар, чунки бу ясама дунёни севмайдилар, уни Яратганни севадилар. Улар негативни эмас, позитивни – Ҳақни севадилар. Бу дунёдан олдин ҳам, кейин ҳам бор бўладиган Дунёга – Оллоҳга ошиқдирлар.

Одамлар Дунёга меҳмондирлар, бирин-кетин бу четидан кириб, бирин-кетин у четидан чиқиб кетаверадилар. Аммо аксарият одамлар ўзларини бу дунёга минг йилга, эҳтимол, мангуга келгандай тутадилар.

Оллоҳ акбардир, бизнинг чекланган ақлимизга сиғмайдир, чексиздир. Оллоҳни сиғдиролмаган ақлимиз шубҳаларга борадир: «Оллоҳ бўлиши мумкин эмас», «Уни ҳеч ким кўргани йўқ», «Агар бор бўлса, бирорта одам кўрарди»... Биз ҳамма нарсага сабаб ахтарамиз, исбот истаймиз. Ҳолбуки, Оллоҳни шартсиз севмоқ жоиздир. Оллоҳнинг борлиги исбот сўраётган, нега кераклигини, зарурати бор-йўқлигини талаб қилаётган ақл бу дунёнинг маҳсулидир, у дунёни бу дунёнинг қаричи билан ўлчайдир.

Оллоҳ бу дунёнинг ўлчовига сиғмайдир. Оллоҳ чексиздир, тасаввурдан-да ташқаридир. Оллоҳ қалбга сиғадир. Оллоҳ – қалбдадир.

«Дил – ба ёру даст – ба кор», яъни «Қалб – Оллоҳда, қўл – ишда» – деди Нақшбанд.

Қалб – Оллоҳ бандаларга инъом этган мўъжизадир, Яратган қалбнинг қудрати орқали ҳам бандага ўзининг қудратини намоён қилади, қалб ақл билан тушуниладиган воқеа ва ҳодисаларнигина эмас, ақл бовар қилмайдиган нарсаларни ҳам сиғдиришга қодирдир. Очиқ чеҳрали, муроса-ю мадорали одамни кўрсак, «бағрикенг одам», «кўнгли кенг инсон» деймиз. Ана шу бағрикенглик демократиянинг асосидир. Демократия турли фикрларни чидаб эшитмоқ, халқни унинг иродасига мос йўллар билан бошқармоқ демакдир.

Мо ин кор накунем,
Аммо инкор накунем.
Яъни:
Бу ишни зинҳор қилмаймиз,
Қилганни инкор қилмаймиз.

Баҳоваддин Нақшбанднинг бу ҳикматлари тариқатнинг бағрикенглик тамойилини намойиш этади. Биз ўзимиз қилмаган ишни, ўзимиз англамаган фикрни инкор қилмаймиз, уни тушунишга ҳаракат қиламиз, дейди Нақшбанд. Демократия, эрк, ҳурфикрлик ана шу тасаввуфий бағрикенгликнинг ижтимоий намоёнидир.

Бағрикенглик демократиянинг асосидир. Ғарб файласуфлари демократияни «ижтимоий шартнома», «жамоатчиликнинг мулоқоти», «диалог» деб атаганлари кўп ўқимаган кишиларга янги фикрдай туюлади. Аммо аждодларимиз буни аввалроқ айтганлар.

Баҳоваддин Нақшбанд деб эди:

Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офатдур. Хайрият жамъиятдадур ва жамъият суҳбатдадур.

(Баҳоваддин Нақшбанд. «Маноқиби ҳазрати Нақшбанд»дан. Нажмиддин Комилов, «Тасаввуф», 1-китоб).

Коммунофашистик жамиятда «диалог» эмас, «монолог» ҳукмрон эди. Коммунистлар фирқасини ҳам «монолит партия» дейишарди. «Бир ёқадан бош чиқарайлик» деб бошқача фикрлайдиган ҳар қандай бошни кесиб ташлашарди. Мажлисларда Раёсат тепада ўтириб, Раёсат аъзолари ҳам, мажлис қатнашчилари ҳам бир хил фикрда бўлишарди. Ҳатто Раёсат аъзолари ҳам, мажлис қатнашчилари ҳам бир хил фикрда бўлишарди. Ҳатто Раёсат аъзолари ҳам, мажлис қатнашчилари ҳам бир хил фикрда бўлишарди.

Суҳбат мақоми

рар ва буюрарди, халқ пастда турар ва итоат қиларди. Жамиятда диалог – суҳбат йўқ эди. Оқибатда даҳрий давлат инқирозга юз тутди. Жамият ривожланиши учун тенглик, суҳбат керак. Халқ фикрининг узлуксиз инкор қилиниши оқибатда иштиёқни сўндиради, ижодкорликни барбод қилади, жамият ривожланишдан тўхтайди. Фикрлар инкор қилинадиган, онг ривожланмаган жамиятни турғунлик ўз домига тортади.

Буни англаган Баҳоваддин Нақшбанд: «Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир», – дедилар. Суҳбат томонларнинг тенг туриб гаплашишини тақозо қилади. Одам ўзи қўрқадиган одамнинг олдида очилиб ўтиролмайди, кўнглидагини айтмайди. Суҳбат суҳбатдошларнинг тенг мақомини талаб қилади. Демократиянинг тамойили ҳам шу – унга ҳокимият тармоқларининг тақсимлангани ва бир-бирига тенглиги, ҳеч бир ҳокимият тармоғининг яккаҳокимлигига йўл қўйилмаслиги, жамоатчилик назоратининг самаралилиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги, ижтимоий фикрнинг беҳадик ривожланганлиги муҳимдир.



Бугун демократик давлат қуриш йўлида «фуқаролик жамияти», «кучли давлатдан кучли жамият сари» деган шиорларни эълон қилинмоқда. Нақшбандниг таърифича, ҳақиқатан ҳам барча яхши ишлар, эзгулик, «хайрият жамъиятдадур ва жамъият суҳбатдадир».

Фуқаролик жамияти суҳбат мақомини – ҳамманинг тенглиги, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини талаб қилади.

Оллоҳ қодирдир, унинг қудрати чексиздир, мўъжиза унинг ваколатидир, бизга имконсиз туюлган нарса Оллоҳга осондир, биз чорасиз турган жойда Оллоҳ учун муаммо йўқдир.

Оллоҳ бизнинг ақлимизга сиғмаган хатти-ҳолларга ҳам қодирдир. Агар биз Оллоҳга яқин бўлишни, унинг жамолига муяссар бўлишни, унинг сирларига ошно бўлишни истасак, эҳтимол, ақлимиздан чиқишимиз керакдир, яъни Оллоҳнинг борлигини исботлашга уринмай, унга сабабият, зарурат изламай, Яратганни қалб билан севишимиз лозимдир. Шунинг учун Оллоҳга ошиқ бўлганлар бизга ақлсиз кўринар, биз уларни «девона», «дарвиш», «телба» атармиз, «ақлсиз» дермиз. Оллоҳ сари йўлдан бу ёлғон дунёда орттирилган ақл чалғитар, эҳтимол.

Оллоҳ тасаввурга сиғмас мўъжизадир ва унга етишиш учун биз ақл бовар қилмайдиган имконсиз йўлдан – ақлсизлик, ошиғу девоналик йўлидан юришимиз керакдир.

Бизни узоқ ўқитган устозларимиз: «Ҳеч нарса бежиз бўлмайди», – деб келдилар. Бу «тарбия»нинг таъсирида биз ҳамма нарсадан фойда ахтарадиган, ҳамма нарсага сабаб излайдиган бўлиб қолдик. Бу шафқатли бизни Оллоҳдан ҳам узоқлаштирди. Оллоҳга яқинлашиш учун биз «ҳамма билган йўл»дан эмас, «ҳеч ким билмайдиган» йўлдан – ақл бовар қилмайдиган тариқат йўлидан юришга ўрганишимиз керак.

Ақл бовар қилмайдиган йўллардан юрганлар – Оллоҳнинг бечораз ошиқлари бўлган дарвишлар, қаландарлар бизга телба туюладилар, уларнинг қилиқларини қабул қилолмаймиз, ҳолбуки, улар ақлнинг қули эмаслар, қалбнинг йўриғидадирлар.

Оллоҳ одамнинг ақлига сиғмайди. Яратган яратилганлардан қудратлидир. Яратган ўзи яратган нарсасини истаган куйга сола олади. Одам Оллоҳга, унинг қудратига ишонмагани билан Оллоҳ йўқ бўлиб қолмайди. Оллоҳ барибир мавжуддир, бизнинг тушуниш имкониятимиздан ташқаридадир.

Оллоҳ қилиб бўлмайдиган ишни қилишга қодирдир ва буни тушунишимиз учун биздан ҳам имконсиз шижоатни – тасаввуримизга сиғмайдиган нарсани қалбга сиғдиришни, Оллоҳни танишни талаб қиладир.

Бу талабни бажара олдикми-йўқми, қанчалар эътиқодимиз беғараз, иймонимиз мустаҳкам?! Билмадик. Оллоҳ биладир. Ақлимиз қанчалиги бизга аёндир, эҳтимол, гарчанд «ақли камлиги»дан нолиган одамни кўрмадик, аммо қалбимиз ёлғиз Оллоҳга аён.

* – Шеърлар муаллифнинг эркин таржимасида.

Карим БАҲРИЕВ

ҚАЛБ ҚАЕРДАН БОШЛАНАДИ?

Нақшбанд, Кубро ва тариқат демократиясига киришга уринишлар

Ҳечимиз йўғу ҳечимиз кам эмас,
Ҳечимиз йўқи бизга ғам эмас.
Жанда – кафану уйимиз – гўристон,
Биз ўлган кун ҳеч мотам эмас*.

Нақшбандниг бу нолаларидан аёнки, тасаввуф аҳли бу жилвагар дунёга боғланган ришталарни бир-бир узганлар. Дарвишнинг ҳеч нарсаси йўқлигини у овқат емаган, кийим киймаган деб тушунмаслик керак. Дарвишлар овқатни нафс талаби билан емаганлар. Кийимни чиройли кўриниш учун киймаганлар. Овқат қаноат билан ейилган. Кийим баданни беркитиш учун кийилган. Кийимни – кафанга, уйни қабрга менгзаганлари уларнинг ўлимга – Оллоҳнинг даргоҳига ҳамиша тайёрликларини билдиради, шунинг учун ўлим куни ҳам уларга мотам эмас.

Оллоҳни ақл билан тушуниб бўлмайди, уни қалб билан тушуниш мумкин. Оллоҳнинг йўли – ақл талпинаётган томонда эмас, қалб талпинаётган жойдадир, эҳтимол.

Ақл чегаралидир. Энг ақлли одамнинг ақли ҳам дунёнинг кўп жумбоқларини ечишга келганда ожиз қолади. Ақлни тажриба беради. Ўқиб, ўрганиб ақлли бўлиш мумкин. Ақл билан бу дунёни англаса бўлар, аммо муайян бир чегарага келганда, ақлнинг ваколати тугайди.

Ақл тирикликнинг, ҳаётнинг, борлиқнинг сирларини очишга ёрдам берар, аммо йўқликнинг, ўлимнинг ва абадиятнинг сирларини очишга ожизлик қилади.

Ақл чегараланган, қалб – чексиздир.

Ақл тугаган жойдан қалб бошланади.

Ақлга сиғмаган нарса кўнгилга сиғади.

Ақл бизга тегишлидир, қалб Аллоҳга тегишлидир.

Ақлнинг боши ва охири бор.

Гўдак бирор онгли иш қилса, ақлини танияпти, деймиз. Аммо унга кўнгил туғилганидан берилган эди. У нималардандир изтироб чекиб, чинқириб йиғларди. Инсон ўлмай туриб ақлидан жудо бўлиши мумкин, ундайларни телба дейдилар. Аммо ана шу «телба» ҳам ўлганча кўнгли билан бўладир, ўзича йиғлаб, куладир.

Инсонни Оллоҳ чириган тупроқдан бор қилди. Одам ўлади ва тани бир кун тупроққа айланиб чиқади. Одам тупроқдан руҳга қўшилиб бунёд бўлади-да, манманликка берилади – яхши есам, яхши кийинсам, дейди, амалга мингиси келади, қўйиб берсанг – қолган ҳамма унинг қули бўлса... Ҳолбуки, одам – омонат, у ҳавас қилаётган дунё – ўткинчи.

Одам бир куни ўлишини билади, тупроққа аралашиб, қурт-қумурсқаларга таланиб ётишини ўйлаб қўрқувга тушади – аммо бу қўрқув дунёсеварлик ҳосиласидир. Қўрққани сари банда ўзини ботир кўрсатишга тиришади. Дарвишлар эса ўлимдан қўрқмайдилар, О

ТИЛ ГҮҲАРГА МУНОСИБ

Умргузаронликнинг яхши-ёмон кунларини кечирган кекса донишманд шогирдларига сабоқ бераётиб:

– Бу фоний дунёда энг лаззатли, тотли ва ширин нарса нима? – деб сўрабди.

– Асал, қанду новвот, ҳолва, – жавоб беришибди улар.

– Сизлар айтганларингиздек, моддий неъматлар ичидаги ширинликларни инкор эта олмасман. Бироқ, улардан-да ширинроқ нарса борки, уни сўз ширинлиги, тил одоби дейилади. Қалб вайронлиги ширин сўз ила дил бутунлигига айланади. Ахир, яхши топиб гапиради, деб бежизга айтишмаган. Ҳақ сўз, эл сўзидир, ноҳақ сўз иблис йўлидир, – дебди донишманд...

Кишилар тил аччиқлигини ҳар нечук заҳру нешдан зиёдадир дейдилар. Ўтмишда бундай ёмон сўзли кишилар қатгиқ жазо олган пайтлар ҳам бўлган. Тилнинг аччиқлиги туфайли киши оиласи, хеши ақраболари ва меҳнат жамоасидан, ҳатто яшаб турган маҳалласидан ҳам айрилиб қолмоғи ҳар замонда ҳам учраб туради. Гоҳо аччиқ тилли кишиларга нисбатан «сўзи совуқ» деган иборани қўллайдилар. Шу зайлдагилар, яқин дўстларидан, ҳатто меҳр қўйган суюкли кишисидан узилишиб кетишини кузатиш мумкин. Тил тиғи билан файзли машваратларда нохушлик уйғотмоқ, аҳил ва тотув хонадонларга путур етказмоқ, ҳатто элни элга, бир юртни иккинчи юртга қарши қўймоқ ҳам шу оғиз қўрғонидаги тилнинг қилмиши, эҳтиётсизлиги туфайлидир. Шу боис бўлса керак, улуғ ва маърифатли бобомиз Ҳожа Самандар Термизий:

Бир тилим учунда оғу бирла бол,
Бири душман, бири дўст учун, филҳол, –

деган эди.

Тилнинг ёмонлиги, аслида тил соҳибининг ўзига душманлигидир. Тилга эҳтиётсизлиги туфайли, бошига оғир мусибат тушган савдогар ҳақида бир ривоят бор:

Қадим замонда бир гадой тиланчилик қилиб, хонадонлардан бирининг эшигига борибди. Ичкари ҳовлидан эса овоз чиқмабди. Бироз фурсатдан сўнг:

– Ҳой тилим, сени деб хотинимдан, фарзандларимдан, дўсту биродарларимдан айрилдим, азоб-уқубатларга мубтало бўлиб қолдим., – деган овоз эшитилибди.

Тиланчи шундан кейин дераза тирқишидан мўралабди.

– Ҳой тилим, сен туфайли сўққабош бўлдим, эртага эҳтиёт бўлиб, билиб сўзласанг фароғатда яшаймиз, тағин шармандa қилиб қўймагин».

Уй соҳибасининг бундай илтижо сўзларига тиланчи қизиқсиниб қолибди ва тонг отгунча ўз тилини огоҳликка чақирган кишини кузатибди.

Эрталаб уй соҳиби тўқиган нарсасини бир матога ўраб, кўчага чиқибди. Тиланчи ҳам ўзини панага олиб, унга измишоҳ саройи эшигидан ўтганда тиланчи ҳам сокчига «Мен унинг укасиман», деганча ичкарига кирибди. Тўқувчи подшоҳнинг қабулига борар эди. Тахтда савлат тўкиб ўтирган подшоҳ ва аъёнлар ҳузурида тўқувчи қўлидаги нарсани ёйибди. Нафис санъат намунасининг бунчалик маҳорат билан тўқилганлигини кўрганларнинг кўзи чақнаб ҳайратга тушибдилар. Гадой у кишининг тенги йўқ тўқувчи-уста эканлигини билибди. Подшоҳ амрига кўра у олтин, зар ва бошқа қимматли ипларда ўта нафис ва маҳорат билан сўзана тўқиган экан. Подшоҳ тўқилган сўзананинг нафис ва гўзаллигига бир муддат маҳлиё бўлиб қолибди. Ва устанинг меҳнатини тақдирлаш учун бир хум тилла инъом этишни буюрибди. Устадан сўзанани деворгами ёки бошқа қайси бир жойга илса кўримли, манзур ва маъқул бўлишини сўрабди. Туни билан тилига шунча ялиниб-ёлворган устанинг тилидан кутилмаган сўзлар чиқибди:

– Олампаноҳ, бу сўзанани ўзингиз оламдан ўтганда тобутингиз устига ёпилса жуда яхши бўларди, – дебди.

– Ҳали, сен шундай ёмон ният билан бу сўзанани тўқиганмидинг, сен шумқадам ва аблаҳ экансан. Ҳозир шу онда сени қатл этишни ва тўқиган бу матоҳингни ўтда куйдиришни лозим топдим, – дебди.

Жаллод гуноҳкор устага яқинлашганда тиланчи одамлар орасидан ўртага отилиб чиқибди ва дебди:

– Олампаноҳ, камина гадойлик қилиб устанинг уйига яқинлашганимда унинг эшиги очиқ экан. Ичкари уйдан эса: «Ҳой тилим, сени деб хотинимдан, фарзандимдан, сени деб айрилдим, азоб-уқубатларга қолдим», деган овоз эшитилди. Ҳайрон қолиб, дераздан мўралаб қарасам у киши:

«Ҳой тилим, сени деб сўққа бош қолдим, эртага эҳтиёт бўлиб, ақл билан фариштa йўлида сўзласанг, қолган умримизни фароғатда яшаймиз», – деб ўзи билан ўзи сўзлашаяпти экан. Бечора кечаси билан тилига ёлвориб, меҳр ва маҳорат ила шу сўзанани кўз нурини тўкиб мижжа қоқмай тўқиб чиққан эди. Ҳатто, сизнинг ҳузурингизга келаётганида ҳам йўл-йўлакай тилини огоҳликка чорлаб келди. Таажжубдаманки, тил ўз соҳибига хиёнат қилишликни давом эттириб, устани бир хум тиллодангина эмас, балки бутун бошидан ҳам жудо қилишга олиб келаётир. Бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Зеро, тил шундай суяксиз нарсаки, у ҳақоратли ва аччиқ сўзларга қаттиқ одатланиб қолса, уни қайтаришга, тарбия қилишга ақл ва ироданинг кучи етмай қолар экан. Бундай ҳолат каминанинг ҳам бошидан ўтиб келаётир.

– Ўзингни танит, кимсан? – сўрабди ундан подшоҳ.

– Аслида мен ҳам ализодаларданман, сизга қўшни юрт фуқаросиман. Бадавлат савдогар оиласида туғилиб, вояга етганман. Отам рихлатга юз тутгач, ундан қолган бойликка бойлик қўшдим. Давлатим ортиб борган сари одамларни менсимай қўйдим. Яна атрофимдаги кўп одамларни ҳақоратлаб, дилига озор беришга одатланиб қолдим. Дўстларим узоқлашиб, кун сайин душманларим кўпайиб борди. Мендан озор чеккан ғанимларимдан бири жуда устамон, айёр қароқчилар гуруҳини ёллаб, бойликларимни талаттирди. Яшаб турган саройим ва уйимни, барча дўконларимни ёндириб юборди. Ўзимни эса бир қопга солишиб, шаҳрингизга ташлаб кетишди. Дод-войлаб бақирган овозимни эшитган бир мўйсафид қопни очиб, мени қутқарди. Мен нодон эса:

– Тўнғизмисан, бефаросат, ахир оёғимни босдинг-ку! – дедим важоҳат билан.

Мўйсафид «ҳали яхшиликка ёмонликми?» деб мени роса калтаклади. Тақдири азал шу экан. Шундан буён тиланчилик эвазига зўрға яшаб келаётирман. Тил аччиқлигининг ҳумори тутганда садақа бермаганларни ҳам роса сўкадиган бўлдим, дебди у. Мендан ранжиган одамлар «Бу кунингдан баттар бўл!» – дейишади кўриб қолишса.

Кўпнинг дилига озор берганимдан шу кунгача ҳеч косам оқармади. Сиз олампаноҳ эса ҳозирда бечора тўқувчи устанинг қўпол сўзларидан нафратландингиз. албатта, шундай ҳолат бўлмоғи тайин эди. Сабаби, шу фурсатда унинг тил аччиқлиги ҳумори тутиб, андиша ва фаросатга ўрин қолмади. Ахир, тўқувчи туни билан ўз тилига ялиниб-ёлвориб эҳтиётсизлик билан сўзлашишликни илтижо қилган эди. Надомат бўлсинки, устанинг аъзойи баданида аччиқ тил ҳукмронлик қилиб, ўзининг заҳрини сочди.

«Сўзанани деворга осилса яхши бўларди» деган оддий сўзни у айтолмай қолди. Зеро, айб устанинг бошида эмас, балки унинг тилида. Шунинг учун қилмишига мувофиқ ҳолда унинг тилини кесиб ташланса кифоя бўлғай эди, – дебди у.

Бу таклиф подшоҳга ҳам, шу ерда ҳозир бўлганларга ҳам маъқул тушибди. Шундай қилиб, устанинг тили кесилибди ва унинг ноёб ҳунаридан халқ манфаатдор бўладиган бўлибди...

Ёмон тил гоҳ сарғайтиргай юзингни,
Эгиб бошинг, термултиргай кўзингни,
Ёмон тил икки оламда зарардир,
Гоҳи исён, гоҳи хавфу хатардир.

Кийимингга қараб кутиб олишади, сўзлаган сўзингга қараб кузатиб қўйишади, деган ҳаётий ҳикматнинг қанчалар мазмуни бор. Одам фарзанди ҳамма жойда инсонни инсон қиладиган, эътиборини белгилайдиган аввало муомала тарзи эканлигини англаб сўз деса муроди ҳосил топаверади. Тил ҳам одамнинг либосига ўхшаш. Бир оғиз сўз кишининг ким эканлигини ва қандай тарбия топганлигини намоён қилади.

Сўз одоби киши маънавиятини белгилагани каби эл, миллат маънавиятини ҳам белгилайди. Шу туфайли сўзлашиш одобига фарзандларимизни ўргатиб бориш, оила, маҳалла-кўй, боғча тарбиятидан ибтидо топмоғи лозимдир. Бу ўринда Алишер Навоийнинг ёшлик пайтидаги ота-онасига, устозларига бўлган сўзлашиш одоби ҳамиша ибрат бўлмоққа муносиб. Ҳазрат Навоий сўз ҳақида шундай лутф этган:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Тилки гуҳарга муносиб, инсонни ҳам инсонликка муносиб қила билади.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ

ЧЎПТИЙ ДОМЛАНИНГ «ОЛДИ-ҚОЧДИ» ТУРУНТЛАРИ

Ҳамма нарсанинг ҳисоби бор «ҳар жойда бор тошу тарозу» деган нақл шундан. Сизнингча энг ҳисоб-китобли жой қаер? Дарров кўнглингиз у дунёга кетди-я. Э қўйинг ўша «гуноҳ» билан «савоб»дан бошқа моли йўқ тарозули дунёни! Бу ёқда шу иккисидан бошқа ҳамма нарсани ўлчайдиган тарозули дунё турибди-ю. Унисини борганда кўрарсиз. Хўп, бу дунёда энг ҳисоб-китобли жойми? Ана, «Албатта, бозор!» – дейсиз. Бозор-да, янглиштирмай сув сепиб қўяди, стакани 35 сўмдан! (Ўзингизни жа билмай қолсангиз, ҳатто 50 сўмдан). Ёз чилласида куйган жигарингизни ширинидан салқинлатаман десангиз, томизғисиям бор, «сироп» дейди буни.

Ёз чилласи куйдиродур, сув-пув қани,
Истаганда истаканда кўрдим сани.

Ҳар қадамда лампа кўзингдан боқасан.
Ичимга сув, чўнтагимга ўт ёқасан.

Жигар-бағринг салқинлатмай ўтмоқ қийин,
Бирни ичиб, «яна қуй» деб айтмоқ қийин.

Ҳай-ҳай бепул айрон берган момомизга,
«Сув – текин» деб кетган ота-бобомизга.

Олдимиздан оққан сувлар қадр топди,
Қадр билмаганга сандиқ сувин ёпди.

Пешонангга, майли, нархинг қўйиб тургин,
Сироплими-сиропсизми, қуйиб тургин.

Ҳеч ўчмасин манглайингда чироғингай,
Қоқ чиллада куйдирмасин фироғингай.

Аё сувчи, сувинг савдосини берсин,
То қишгача ёз била бир қизаверсин.

Шу ўзи «сироп» асли «сероб» дегани бўлса керак. Сероб деганча бор-да, айни дам иссиғида пешонасига «сиропли – 35 сўм, сиропсиз – 25 сўм» деб ёзилган сув сандиқчалар ҳар қадамда тик турганча хизматингизда. Шу боисданми, бозорларнинг тўрт-беш жойида ёким кўча-кўйларда оқиб турадиган водопроводлар қувур-пувури билан «банкрот»га учраган. Яъни «синган», тамом-вассалом! Узоқ-яқиндан қулоққа чалинган бозор «миш-миш»ларига қараганда, бу «сув текин» водопроводлар сангигиена қоидаларини ҳам оқизиб юборармиш. Кейинги пайтларда одамлар негадир кўпроқ шунисидан ичиб қўйишибди-да. Ана энди, бозордан ва ё йўл бўйи мева-чева харид қилсангиз, тотиб кўришга дил кетса ҳам «безсироп» сувда ювиб олишингизга тўғри келади. Мабодо, бу чўнтагингизга тўғри келмаса, сизга ўргатгулик жойи йўқ, ҳа, ҳар кимники ўзига ҳалол! Илло, бозордаги гигиенага қараб ўтирманг, у бунисини ўрганмаган. Ҳозирча у «сув текин» водопровод суви «дом»ларда, ичкари биноларда тип-тиниғу нега бозору кўча-кўйлардагиси ғужғуж микроб эканлиги сабабларини ўрганиш билан овора бўлса керак. Ҳаммаси ҳам бир хил жўмрақдан чиқар сув бўлса, ажаб—да. Ва ё микроблар ҳам «таниш-билишчилик» қилишармикин?!...

Кўза-кўза «баклашка»да туришадур,
Қўйиб берсанг бор пулингни бўлишадур.

Одамнинг чанқоғи ортгани сайин, чанқов босди ичимликлар сони ҳам ортгандан ортадур, турфа рангу турфа тур, саноғига етолмайсиз, ўзи бир бозор, раста-раста. Озгина шўр, газ қўшсангиз, кифоя! Оти салқин ичимлик!

Тоққа чиқмасангиз «Тян-шан» қайда,
Ич «салқин ичимлик», ҳовлингни ҳайда.

ЧАНҚАМА, ЖОНИМ, ЧАНҚАМА

Ишқилиб, эрта-индин ичкари биноларда ҳам сиропли сандиқчалар жўмракларни рақобатга «синдириб», қимматбаҳо гарнитурдай тўрга ўтмасаёв. Ким билади, кўза синдирган азиз, демиш аҳли машойих. Асл жўмрак сувлари, бебаҳо!

Илло, кунига бир стакан сипқорсангиз ҳам ой сайин ўн беш минг сўмлик маошингизнинг минг сўмидан ошиғи ошиб «сув текин»га кетгай, бунга чўнтагингиз яна гувоҳ. Ҳисобда адашмадикму, «50 сўм»ли жойлардан ўтиб қолишингизни ҳам назарда тутдик-да. Ана, ҳисобли жойнинг сув сепиб ўзингизга келтирмоғи надур. Локин барибир «салқин ичимлик» деганларидай, «салқин сув»нинг салқинига нима етсин! Йўғе, «фанта», «кола» демоқчи эмасмиз. Уларни сув деб бўладими?! Кўча-кўйда, бозор-ўчарда ичиб кетаверадиган-а?! Билурсизким, бўйни узунми-қисқа ароғу шампан биродарлари билан баҳоси ёнбошлашадиган бу «салқин ичимлик»лар қачон қарасангиз, меҳмондорчиликда дастурхоннинг обрўли жойида турадиган бўлган. Сув деманге, «салқин ичимлик» денг.

Ёз чилласи жон ичини сахро қилур
Ташнани Тоҳир, чашмани Зуҳро қилур.

Ваҳ-ваҳ «салқин ичимлик» нинг салқинидан,
Ичмасанг ҳам ўтса бўлур яқинидан.

Магар «Кока кола» қиё боқмаса,
Ва ё «Фреска» га майданг ёқмаса.

«Бонакуа», «Спрайт», «Тархун»лар бари,
Ароғу шампандан турса сал нари.

Чанқоғинг қўймайин деса, «Олсанг-чи,
Мунча куйдирасан, ичақолсанг-чи.

Тиллодай товланур, қара «Фанта»ни,
Қани, ҳар биридан бўлса фонтанинг.

Бу гапларга дарров кўнглинг иймасин,
Пулинг сувга урма, қанча куймасин.

Сен ўйла бозор ё йўлда юрганинг,
Олавергуликмас ҳамма кўрганинг.

Охир чанқоғингдан ҳар ҳавасни кўр,
Алдагину, айтгин «Кўй ҳаммаси шўр.

Уйга бориб кўк чой ичамиз, чида,
Ҳар не ичгуликмас бозор ичида».

Майли, бошингиз очиқ бўлса, бир бошга – бир стакан! Шунгаям чидамаган чўнтакни ағдариб ташланг-е. Аммолекин, «Фотма-Зуҳра», «Ҳасан-Хусан» эгизакларни эргаштириб чиққан бўлсангиз-чи?! Э қойилман, «чой баклашка»ниям обчиқамиз, ичига бир

Ёз обу ҳаволари

тўғрам апелсин ташлаб денг. Ана сизга «Фанта», йўғе, «Чанта» денг. Узоқроқ жойларга бош очиқ кетасиз-да, а? Сувни баҳона қилиб. Сув – бу ҳаёт, «ҳаётим, сен уйда ўтириб тур» деб-а. Ҳаёт деганча бор, илло, «сув билан ҳаводек зарур» иборaси бежиз айтилмаган. Яхшиям, шу иккининг бири бўлган ҳавонинг нарх қўятирғон пешонаси йўқ. Ахир икки зарурнинг бири экан, сув ҳам кўзга кўринмайдиган, қўлга илмайдиган бўлса бўлмасму?! Ичганингни ҳеч ким билмай қолса-я? Ҳавоси тушмагур кўзбўямачиликни ўрганган пайтда сув қаёқда юрган экан ўзи? Қанийди ўрганганида у ҳам ҳаводай ҳамма ёққа суқилиб кириб кетаверарди. Мана, ҳавони бурнингиз билан текинга тортасиз, ичингизниям «ғирр» этиб айланиб чиқади. Балки эрта бир кун салқин ҳаво ҳам пулга айланур! Ё «сув текин» деган гапга ийиб кетиб ўрганмаганмикин, ийса ийгандур, сув-да. Мана энди ҳаво-мас! бу дунёда иккининг бири бўла туриб, бошқа арзимаган зарур нарсаларга қўшилиб сандиққача кириб кетган, «қулфи дили» эрисанг эрийди, ийсанг ияди...

Чанқама, жоним, чанқама,
Чанқайдиган пайт эмас.
Не кўп — зарил нарса кўп,
Сувсўм бу – «Спрайт» эмас...

Мана шунақа «сувсама» айтимлардан жон қулоғингизга қуйиб турсангиз, чўнтакка зарар қилмайди. Ташвишланманг, биров эшитади деган истиҳоласи йўқ. Бу ёғи бозор бўлса, карнай чалсангиз ҳам эшитилмайдику. Илло, лампа кўзи бирла имо қилаётган сандиқчалару сув расталари чанқоғингиз бошини айлантириб қўймасинки, қулоқсиз бўлиб қоладур.

Қарарман баланд-пастда
Турарсан раста-раста.
Чанқоғим санга пайванд,
Киссага нарх пайваста

Стакан сирқиб бўлмас,
Чанқовни қирқиб бўлмас.
Тиқилинч автобусга
Сув ичмай чиқиб бўлмас...

МАҚТОВНИНГ ЖОЙИ

Бекатда дадаси билан ўтирган Собирнинг «Салқин ичимликлар» растасига кўзи тушди ва деди:

– Дада, битта «Кока кола» олиб келай, 550 сўм бериб туринг.

– «Кока кола»ни ичиб нима қиласан? Э, ўғлим, сенга «Бонакуа»нинг кичкинаси ҳам бўлаверади. Жуда чанқаган бўлсанг, ма 25..., а майли, 35 сўм, бир стакан газли сув олиб ичақол.

* * *

Қуён «Салқин ичимликлар» растасида сотувчи эди. У сира тўхтамай харидорларни чақирарди:

– Обқолинг «Фанта», кеб қолинг «Кола». Келин-куёвдай туришини қаранг... Инингизни салқин жойида қуйиб ичасиз...

У тулкининг келаётганини кўриб бирдан жимиб қолди. Тулки ундан сўради:

– Нега тўхтадинг, менга ҳам мақтамайсанми? Ё тулкини алдаб бўлмаслигини билиб жимиб қолдингми?

– Э, тулкивой, аҳмоқларга мақтаб турмасанг, яхшисини билмай ўтиб кетаверади. Доноларга эса мендай бир қуённинг ақл ўргатиши ортиқча ва одобдан эмас. Бир қарашдаёқ ўзлари билишади.

Тулки бу гапга ийиб:

– Бўпти, «келин-куёв»ларни сен айтганча инимнинг салқин жойида қўйиб ичарман, биттадан бервор, – деди.

Тулки кетгач, қуённинг рўпарасида оёқ кийим сотаётган олмахон:

– Қойилман, тулкиниям чув туширидинг-а, – деди.

– Мақтов ҳам мол, ўтган жойида сотилади, ошна. Буни менга ўхшаб тишигача доно бўлиб кетганлар билади, – деди қуён доно тишларини кўрсатиб.

* * *

Маошини олган эр уйига «Фанта» кўтариб кирди. Уни бироз кайфи бор эди. Хотини:

– Нима қилардингиз, бекордан-бекорга бунақа сув олиб? Бунинг пулига бешта нон бераверади-я, – деди куюниб.

– Хотинжон, ичимлик бу, маош олган куним сенияям бир ичсин дедим-да, – деди эр.


ЧАҚМОҚ



Суратни Фурқат чизган

Тикланиш ва санъат

«АСТРОБОД» НАВОЛАРИ



Ёшларимизнинг сурнай, ноғора, карнай каби кўҳна созларимизга меҳр қўйиши ҳам бир ноёб ҳол каби. Мухбиримиз шундай ноёб талант соҳиблари – Тошкент шаҳридаги «Астробод» мусиқа гуруҳи ижодий фаолияти билан таништи, гуруҳ раҳбари ШАВКАТ ҚОСИМОВ билан суҳбатда бўлди.

Етти ёшларда эдим чамаси, – деб эслайди Шавкат ака, – кўчада сурнай садоси келди, дилим ўйноқлаб кетди, қарасам Шамшимат бобо чаляпти. Маҳлиё бўлиб тингладим. Ғоят таъсирланганимни кўриб уста бобо ёнига чақирди, ёшимни сўрагач, «ҳали катта санъаткор бўласан» деди. Ҳамма нарсаниям болаликдан кўриб ҳавас қиласиз-да. У пайтда асл миллий куй-қўшиқ ижрочилари кўп бўлиб, уларнинг айтганлари ёдимизга ёзилиб бораверарди.

Отам Мирҳошим Қосимов етук доиракаш эди, шундан бўлса керак, ижод йўлимни доира чалишдан бошлаганман, отам устозлик қилган.

– Гуруҳнинг «Астробод» деб номланиши ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Ҳазрат Навоийнинг Бешёғочдаги ҳайкали очилиш маросимида шундай гуруҳ тузиш нияти пайдо бўлди ва уни «Астробод» деб номлашни дилимга тугиб қўйдим. Ёшлик пайтларимдан Алишер Навоий асарлари ва ғазалларини севиб ўқийман, ёд айтишдан завқланаман. Мен вояга етган маҳалламиз «Астробод» деб номланган. Сурнай, ноғора, доира, карнай каби кўҳна созларимизнинг тўёна куйларидан эл-улусни хушнуд қилаверсак дейдиз. Саккиз кишидан иборат гуруҳимиз халқимизнинг бебаҳо куйларини дил нафасларида қалбдан ижро қиладилар, уларнинг орасида лирик тароналар ҳам бор. Дейлик, «Сурнай сегоҳи» каби тароналарни мумтоз куй-қўшиқ шинавандалари севиб тинглайдилар. Бу созларда киши руҳининг ҳар қандай ҳолатида қалб билан сирлашувчи оҳанглар бор.

– Ўзингиз ҳам куйлар яратасизми?

– Гоҳида тонг чоғи илҳом лаҳзалари янги куйлар ҳадя қилади. Куй ижро қилинганда шу илҳом завқи бошқаларга юқса, юзу кўзида акс этса шунда янгиси яралибди, дейиш мумкин деб ўйлайман. Куй шинаванда кўнглини ўзига бошлаб кетиши керак, ҳар қандай чертимлар йиғиндиси ҳам куй бўлавермайди.

– Ёшлар ижросидаги миллийлик ҳақида қандай фикрдасиз?

– Айрим ёшларимиз куйни миллий оҳанглар билан бошлаб, у ёғини хорижий куйларга улаб кетишади. Ажабо, уларга илҳом шундай келадими, дейман. Бу менга жуда сунъий туюлади. Назаримда куй ҳам бир илоҳий бутунликдан иборат, пала-партишликдан эмас. Ҳар ҳолда, мен шундай ҳис қиламан. Хорижий машҳур хонандаларнинг шундай қоришиқли бирор куй-қўшиғини учратмайсиз. Ёшларимиз бундай чала тақлид қилишни эмас, улардан ўз миллий санъатига муносабат борасида ибрат олишини истардим. Тўғри, чинакам миллий ижрочилик кўп меҳнатни талаб қилади, китоб ўқишга ундайди. Тинмай мутолаа қилиш, асл дурдоналардан тинглаб қалбни бойитиб бориш зарур. Аслида бу дурдоналар халқимиз кўнглига туташ бўлгани учун халқ назарига тушмоқ йўли шундан деб биламан.

– Эл хизматида бўлишдан касбингизга меҳрингз ортади. Яна қандай ҳолатларда бу касбдан қаноат ҳосил қиласиз?

– Ёш болакайлар куйларимизга мафтун бўлса, очиғи, суюниб кетаман, «ана, келажакнинг қулоғи бизда» дейман ҳамкасбларимга ҳазиллашиб. Сурнайнинг шўх тароналарини болажонлар жуда яхши кўришади, қувонмай бўладими? Уларга кўп-кўп ижро қилиб туришимиз керак. Дурни кўрган киши фарқлаганидек, мусиқаларни ҳам тинглаб, аслларини қалбга жойлаб, шунга муносиб қалб оламига эга бўладилар.

– Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Музаффар АБДУШУКУРОВ суҳбатлашди

ТИЛЛА КЎЗА

Сув ҳақида лофлар

– Бир стакан газли сув ичаётган эдим, ичидан балиқ чиқди, – деди кичик лофчи.

– Нима қипти, – деди ўртанчаси, – тунов «Фреска»нинг қопқоғини очсам, сув юзида акула тиржайиб турган экан.

– Шуям, гап бўлди-ю, – деди катта лофчи, – мен ҳар куни «Фанта», «Кола»ларни ўзимизнинг китнинг ичидан олиб чиқиб ичаман, салқингина туради.

* * *

Кеча бозорда айланиб юриб, икки-уч марта сув ичсам ҳам яна чанқадим. Жўмрагининг ўрни «суварка»ланган водопроводга битта «пуф» девдим, очилиб муздай сув шариллаб оқиб кетди, – деди бир лофчи.

– Жуда яхши бўлибди-да, – деди иккинчиси, – ўша сувнинг газиям бормиди?

– Ҳа, нимайди?

– Мен нариги бозордаги жўмрак ўрнидан пуфлаётган эдим...

* * *

– Туш пайти йўлда келаётиб иссиқда терлаб кетдим, – деди бир лофчи, – пошнамни ерга қаттиқроқ қўювдим, булоқ отилиб чиқса, масза қилиб юз-қўлимни ювиб олдим. – Бир пастдан кейин тўсатдан ёмғир ёғиб қолмадими? – сўради иккинчи лофчи.

– Ҳа, ёғди.

– Мен ҳам кўчада терлаб дамимни қаттиқроқ тортувдимам, қаёқдаги булутлар сўрилиб келса, ҳамма салқинлаб олди.

* * *

– Мана кўрасан, мен бу йил бойийман, янаги йил миллионер бўламан, кейинги йили миллиардерга айланаман, – деди бир лофчи.

– Сен ўзи ишни менинг қайси тилла дўконимдан бошламоқчисан? – сўради иккинчи лофчи.

– Шуям дўкон бўлди-ю, йўқ, мен ишни газли сув сотишдан бошлайман.

* * *

Бир лофчи деди:

– Икки-уч бозорда газли сув соттирардим, ҳар йили биттаси тилла сандиққа айланиб қоляпти.

– Шундай дегин, – деди иккинчи лофчи, – биласан, мениям салқин ичимлик сотадиган дўконларим кўп. Кеча бирига борувдим, «баклашка»ларнинг ҳар бири битта тилла кўзачага айланиб қолибди.

Ҳажвий материаллар муаллифи: УЗРО

ОХИРГИ СЎЗ

Пули кўп тандир олиб синдирибди.

ҲОМИЙЛАР УЧУН МАЪЛУМОТ

Ҳисоб реквизитларимиз: «Миллий тикланиш» газетаси ҳисоб рақами: 20212000900127285001, Ўзсаноатқурилиш банки, минтақавий бўлим.
МФО 00424, ИНН 201133929

Milliy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Мунира ҚОРИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 630.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй. Телефон 144-81-28. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи — Музаффар АБДУШУКУРОВ

Босишга топширилди 19.30